

ҲАМКОРЛИКДА — ҲИКМАТ КЎП



*Тошкент —
бунёдкорлик шахри.*

*Меҳр-оқибат
мурғак қалбда
тез унади.*

11-бет.

ЛИТВА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САФАРИ ЯКУНЛАНДИ

21 февраль куни Литва Республикаси Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи нихоясига етди. Тошкентдаги Дўрмон қароргоҳида Президент Алгирдас Бразаускасни расмий кузатиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ва Литва Президенти Алгирдас Бразаускас махсус шохсупага кўтарилдилар. Ҳар икки мамлакат давлат мадҳиялари ижро этилди.

Маросимдан кейин Литва раҳбари Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ҳиссадорлик жамиятига ташриф буюрди. А. Бразаускас бирлашма фаолияти ва иш жараёни билан танишиб, бу ерда ишлаб чиқарилаётган замонавий самолётларни катта қизиқиш билан кўздан кечирди.

Сўнгра Литва Президенти қадимий Хева зиёратиди бўлди. Шаҳардаги бетакрор меъморий ёдгорликлар ва осори атиқалар билан танишди. Литва Президенти журналистларга ушбу кўҳна шаҳар зиёрати, умуман, бой маданий ўтмишга эга Ўзбекистон сафаридан унутилмас таассурот олганини айтди. Мамлакатимизга ташрифи, Президент Ислоҳ Каримов билан ўтказган музокаралари жуда самарали бўлганини таъкидлади.

Шу куни Литва Президенти Алгирдас Бразаускас Урганчдан ўз ватанига жўнаб кетди. Литва раҳбарининг Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат ҳиссадорлик жамияти ва Хоразмга ташрифи чоғида унга Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳамроҳлик қилди.

(ЎЗА).

8-бет



**«Лицей —
истеъдодлилар
мактаби»**

7-бет



**«ШУКУР
БУРҲОННИНГ
КЎЗЛАРИДА ЁШ
КЎРДИМ»**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ
АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН ЎҒЛИ – ЧЎЛПОН ТАВАЛЛУДИНИНГ
100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**В. Н. СИГЕДИНИ
«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ»
ОРДЕНИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

Кўп йиллик самарали меҳнати, республикада конметаллургия тармоғини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун Олмалиқ конметаллургия комбинати бош директори Виталий Николаевич Сигедин «Меҳнат шўхрати» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 21 февраль.

Атоқли ўзбек ёзувчиси ва жамоат арбоби Абдулҳамид Сулаймон ўғли -- Чўлпоннинг Ўзбекистон маданияти ва адабиёти тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси ва келажак авлодларга ўрнак бўлувчи фуқаролик жасоратини инобатга олиб ҳамда унинг адабий меросини халқимизга тўла етказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ва республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг Абдулҳамид Сулаймон ўғли -- Чўлпон таваллудининг 100 йиллигини 1997 йилда мамлакатимизда кенг миқёсда нишонлаш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси тузилсин.

Ташкилий қўмита тегишли вазирликлар, ҳокимликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда бир ой муддатда ўз тадбирларини ишлаб чиқсин ва уни амалга оширишга киришсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига:

адибнинг 100 йиллиги муносабати билан «Шарқ халқларининг миллий уйғониши ва Чўлпон ижоди» мавзуда симпозиум ўтказиш;

1997-2000 йиллар давомида адибнинг «Тўла асарлар тўплами»ни тайёрлаш ва чоп этиш топширилсин.

3. Андижон вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази билан биргаликда 1997 йил ноябрь ойида Андижон шаҳрида Абдулҳамид Чўлпоннинг юбилей кечасини тайёрласин ва ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига Абдулҳамид Чўлпон асарлари асосида театр спектакллари ва адиб ҳақида адабий-бадиий композиция яратиш вазифаси юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Абдулҳамид Чўлпоннинг асарларини, у ҳақидаги хотиралар тўплами, рисоалар ва плакатларни юбилейга нашр этишни режалаштирсин.

6. Қорақалпоғистон республикаси вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Абдулҳамид Чўл-

пон юбилейини кенг нишонлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Андижон вилояти ҳокимлигига тегишли идоралар ва ижодий уюшмалар билан биргаликда маҳаллий бюджет ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан Андижон шаҳрида Абдулҳамид Чўлпон боғини яратиш, у ерда адибга ёдгорлик ўрнатиш ҳамда адиб яшаган ҳовлида унинг уй-музейини ташкил этиш топширилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Марказий банк ҳузуридаги маҳсус ишлаб чиқариш корхонаси ва «Шарқ» концерни билан биргаликда Абдулҳамид Сулаймон ўғли -- Чўлпон сиймоси акс эттирилган почта маркалари, конвертлар ва оқриткалар чиқарсин.

9. «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компанияси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 июлдаги 247-сон қарорига

мувофиқ фильмлар яратиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан Абдулҳамид Чўлпон ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳужжатли фильм яратсин.

10. «Ўзтелерадио» компанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Абдулҳамид Чўлпоннинг ўзбек халқ маданияти ривожига қўшган ҳиссаси аҳамиятини кенг ёритиш, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида туркум кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда адиб асарлари асосида теле ва видеофильмлар яратиш топширилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Абдулҳамид Чўлпон юбилейини ўтказиш харажатларини республика бюджетидан қопласин.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 21 февраль.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАЛАРИДА

КАМЧИЛИКЛАР ОЧИҚ-ОЙДИН АЙТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг йиғилиши бўлди. Унда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Фарғона вилоятида қандай амалга оширилаётганлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг вилоятлардаги бошқармалари ва бўлимлари ҳамда республика «Бизнес-фонд» раҳбарлари иштирок этган бу йиғилишни Олий Мажлисининг Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси, республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Анвар

Йўлдошев бошқарди.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида 391 та акциядорлик жамияти фаолият курсатмоқда. Бироқ бу жамиятларда иш кўнгилдагидек борапти, деб бўлмади. Уларнинг кўпчилигида доимий равишда дивиденд тўловлари амалга оширилаётган бўлса, айримларида эса акциядорларга ҳалигача дивидендлар берилмаган. Йиғилишда бу соҳада йўл қўйилган камчиликлар очик-ойдин айтилди, уларни бартараф этиш хусусида тегишли ташкилотларга аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева, Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг раиси В. Чжен қатнашди.

**Б. ОСТОНАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.**

**ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА
МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ**

Ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг биринчи қадами қонулар устиворлигини таъминлашдир. Шу маънода яқинда умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят -- ижроия кодекси» лойиҳасини энг зарур бўлган норматив ҳужжатлар сирасига киритиш мумкин.

Мазкур кодекс лойиҳасининг ҳуқуқий жиҳатдан жаҳон андозалари даражасида тайёрланганлигини таъкидлаш билан бирга айрим мулоҳазаларимни ҳам айтишни лозим топдим.

64-модданинг 2-қисмидаги «... суд томонидан тайинланган жазо муддатининг камида учдан икки қисми...» деган ибора «... камида тўртдан уч қисмини...» деб ўзгартирилса яхши бўларди.

Яна: 76-моддадаги «... уларни сақлашнинг иложи бўлмаган тақдирда эса бу нарсалар йўқ қилиниб, маҳкумлар хабардор этилади» деган ибора қуйидаги тахрирда

баён этилса яхши бўларди: «Уларни сақлашнинг иложи бўлмаган тақдирда эса бу нарсалар назорат қилувчи прокурор иштирокида йўқ қилиниб, тузилган далолатнома маҳкумнинг шахсий иш жилдига қўшилади ва бу ҳақда унга хабар этилади».

Лойиҳанинг 160-моддасида эса маҳкумга бериладиган маъмурий жазо ҳақида гап бориб, бу жазолар: «ҳайфсан; қаттиқ ҳайфсан» эканлиги санаб ўтилади. Менинг назаримда «ҳайфсан» олган маҳкумга яна «қаттиқ ҳайфсан» беришнинг мутлақо ҳожати йўқ -- жазонинг самара берадиган босқичига ўтиб кетавериш керак. Бу -- ортиқча топшириқдир. Шунинг учун лойиҳадаги «қаттиқ ҳайфсан» иборасини олиб ташлаш керак.

**Нормамат МАЛЛАЕВ,
Сарниёе туман прокурори,
адлия маслаҳатчиси.**

**МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ
РОЛИ ЯНАДА ОШИЛГАН БЎЛАРДИ**

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси» лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиши одилона тадбирдир. Бу ҳол аҳоли барча қатламларининг ана шу муҳим ҳужжатни мукамал ишлаб чиқишдаги иштирокини таъминлайди.

Солиқ кодекси лойиҳасининг 12-моддасида республиканинг барча ҳудудларидан тушадиган асосий солиқлар ва тўловлар республика солиқлари ва тўловлари таркибига киритилиши айтилган. Бир томондан бундай чегаралаб қўйилиши ва тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланиши тўғри. Лекин табиий ресурслардан тежамли, самарали фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишда маҳаллий ҳокимият органлари ролини ва жавобгарлигини ошириш ҳам муҳимдир. Ана шу мақсадда ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, экология солиғи, ичимлик сув учун тўлов маҳаллий солиқлар таркибига киритилиши мақсадга мувофиқ бўларди, деб ҳисоблайман.

**Р. ҚЎЧҚОРОВ,
Самарқанд молия коллежи директори**



Пайарик туманидаги «Беҳзод» хусусий фирмасига қарашли мрамор плиталар тайёрлаш цехи ишга тушганига бир йил бўлди. Шу кунгача улар 1,5 миллион сўмлик маҳсулот чиқаришга эришдилар. Хомашё Зарбанд мрамор конидан олиб

келинмоқда. Маҳсулотга нафақат самарқандликлар, балки Тошкент Андижон вилоятларидан ҳам харидорлар келишмоқда.

СУРАТЛАРДА: ишчи Сайфиддин Остонов; Мрамор тошни кесиш жараёни.

Нурмамат АЛМУРОДОВ тасвирга олган.

Қишлоқда гап ётмайди. 1995 йилнинг ўрталарида Боёвут туманидаги «Тараққиёт» ширкатлар уюшмасининг сут-товар фермаси кимошди савдосига қўйилишидан ҳам зум ўтмай бутун қишлоқ аҳли хабар топганди.

Хуллас, фермага оғизда талабгор кўпайгандан кўпайди. Лекин ҳақиқий мард топилмади. Шунда, аввал, хўжалик фермасида зоотехник бўлиб ишлаган Ортиқбой Йўлдошев «таваккал» деди-ю, фермага харидор бўлди.
«Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди» деганларича бор экан. Ширин шаҳридаги банк

келамиз, кетамиз, ойлигимизни олсак бўлди-да», деб ўйловчилар билан келишолмаймиз. Ҳеч кимнинг қўлидан тутиб қолмайман. Лекин битта гапни айтиб қўяй. Агар менинг йўригимдан чиқмасаларинг, келишиб-кенгашиб ишласак, 3-4 йилда пичоғимиз мой устида бўлади...
Йўлдошевнинг шартига

Хўжаликдан 3 миллион сўм қарзимиз бор эди. Бугун шу қарзнинг 1 миллион 200 минг сўми қолди, холос. Қарзни тўлаш муддати 6 йил, деб белгилангани билан биз яна уч йил ичида қарздан батамом қутиламиз.

«Йўлдош ота» хусусий фермаси қишлоқдаги тўй маракаларга, уюшманинг байрамларига моддий ёрдам беришни эшитиб юрардик. Бирок, Ортиқбой Йўлдошев бу тўғрида унча эзилиб гапирмади. Шу боис ҳисоб-китобни қойиллатиб бажараётган Рустам Шокировдан фермада ишлаётганларнинг даромади ҳақида сўраб-суриштирдик.

-- Улар ўртача 1,5-2 минг сўм атрофида ойлик олишади. Бу кам, албатта. Шуни ҳисобга олиб салкам 4 тонна сут, 6,3 тонна пиез, 9 тонна бугдой, 1 тоннадан кўпроқ

«Ризқ-рўзимиз қишлоқ билан боғлиқ»
П. КАРИМОВ.

«МАДАНИЯТ» МАНФААТНИК ХУШ КЎРАДИ

Ўзбекчиликда «ишласа бўлар экан-ку», деган ибора бор. Бугун ана шу гапга амал қиладиган вақт келди

Маълумки, ўтган йили Бухоро вилоятининг жуда кўп хўжаликлари гапла топшириш режасини уддалай олмади. Сабабини сўрасангиз, баҳона кўп. Лекин Бухоро туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигида ҳеч қандай ваз-қарсон керак бўлмади. Чунки улар бу соҳада олган мажбуриятларини ҳам 133 фоиз адо этдилар. Натижада, хўжалик аъзолари йилни 143 миллион сўм фойда билан яқунлашди. Рақамлар оғизнинг бир четидан чиқиб кетаверади, аммо унга эришишни ҳамма эплайвермайди. Қолбуки, кўплаб жамоа хўжаликлари қулоғига қарзга ботган бир пайтда, булар биргина иссиқхонанинг ўзидан етти миллион сўмга яқин даромад қилишди. Деҳқоннинг ўртача маоши 2170 сўмга етди. Йил охирида ҳар бир сўм, ўз соҳибига яна кўшимча уч сўмни етаклаб келди. Энди бир деҳқоннинг йиллик даромадини ўртача маошга қўшиб, ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг.

Бу Президентимизнинг «деҳқон бойиса, юрт обод бўлади» деган гапларига амалий жавобдир. Албатта, бундай муваффақият жамоа ва раҳбарият ҳамкорлигининг натижасидир. Аммо ютуққа эришиш хўжаликка қандай одам раҳбарлик қилаётганига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ экан. Агар жамоа раҳбари ислохотлар уммонида довдираб юрса, ўз йўлини тополмаса, ҳеч қачон меҳнаткашнинг бири икки бўлмайди.

Шу жиҳатдан қаралса, «Маданият» жамоа хўжалиги бошқаларга ўрнатилган даражада иқтисодий ислохотларни дадиллик билан жорий этмоқда. Масалан, хўжалиқда ташкил этилган 16та кичик корхона 18 турда маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Иккита ҳаммом, 19 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ишлаб турибди. Уларда 380 киши иш билан банд. «Маданият»даги бешта фермер хўжалиги ҳамда тўртта ҳиссадорлик (ферма) жамиятлари ҳам йилни оз бўлса-да, фойда билан яқунлашди. Чунки уларни хўжалик қўллаб-қувватлаб турди. Бировларга ўхшаб, сен мустақилсан, дея ўз ҳолига ташлаб қўймади.

Хўжаликнинг яна бир ютуғи -- бу ердаги ишлар бозор иқтисоди талабига мос ташкил этилган. Қолаверса, хўжалиқда яхши ва сара уруғга, агротехникага ниҳоятда эътибор беришади. Чунки ҳосилдорликнинг ошиши шу омилларга боғлиқ. Тежамкорлик ҳам асосий иш услубларидан бири. Бундан ташқари раҳбарнинг ҳам, оддий деҳқоннинг ҳам манфаатдорлиги олган ҳосилига қараб ошиб боради. «Маданият»ликларга ютуқ келтираётган асосий омиллар ана шулардан иборат.

Дарвоқе, хўжалик аъзоларининг ижтимоий муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор қаратилапти. Масалан, ўтган йили меҳнаткашларга 153 тонна ун, 137 тонна ёғ, 265 тонна бугдой, 6,5 тонна гуруч, 15 минг дона совун энг арзон нархларда сотилди. Ҳатто, баъзи колхозчилар маошдан воз кечиб, маҳсулот олишди.

Майнон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.



гуруч, 1,5 тонна гўшт бепул тарқатилди. Фермада ишлаётган 30 нафар одамнинг айримларига тўй-маракаларида дастурхонига гўшт кетса бепул берилади.

Фермани айланиб, саронжом-саришталик, тартиб интизомдан кўнглимиз тўлди. Пировардида Йўлдошев айтган гап, айниқса, маъқул тушди: «Қаранг, Гулистонда, Тошкентда бир кило сузманинг нархи 50 сўмгача-баҳоланади. Биз эса сутни 12 сўмдан сотаямиз. Навбатдаги режамиз -- қишлоқнинг ўзида, яқин шаҳарларда кичик цех, қассобхона, сут ва гўшт маҳсулотлари сотиладиган дўконларни ишга тушириш. Бу-сиз биримиз икки бўлмайди.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кўнгидага йўл топиб

билан тузилган шартнома -- эртага кимошди савдоси бўлади, деган кунни «бўлмайди»га чиқди. 206 бош қорамол, машина-механизм, фермадаги бинолар 3 миллион сўмга баҳоланганди. Аммо ана шу нархнинг 10 фоизини тўлаш учун Ортиқбойнинг пули етмасди. Қариндош-уруғлар маслаҳатга тўпланишди. Биров сигирини, биров мотоциклини, биров қўйини сотиб Ортиқбойга тутқазмоқчи бўлди.

-- Йўқ оғайнилар. Бу ишимиз бўлмайди. Мен Тошкентга бориб келаман. Мўлжаллаган одамим бор, -- деди бўлажақ фермер. Эрталаб йўлга чиққан Ортиқбой кечкурун қўлида кафолат қоғози билан уйга кириб келди. Тошкентдаги фирмалардан бири ўн фоиз нархни тўлашга розилик берибди. Ниҳоят савдода қўли банд келган Йўлдошев фермани қабул қилиб олди.

Оддий иш кунлари бошланди. Орадан бир ой ўтгач, янги мулкдор ўз ходимлари билан кенгашиб иш кўриш учун уларни тўплади ва деди: -- Бир ойдан буён ҳеч кимга яхши ишламаясан, ёмон ишляясан, дея оғиз очмадим. Бу кетишда юзимиз шувут бўлиб қолади. Олдинги пайтда охурдаги ем-хашакнинг ортганини аравага солиб далага чиқариб ташлашарди. Энди бунақаси кетмайди. Ҳар тутам хашак ўлчоғлик. Бизнинг шартимизга кўнмайдиган, ишга кечикиб келадиган, молга жони ачимайдиган, ташмачилик қиладиган одамларни фермада ушлаб туриш, қулоғига қарзга ботиш деган гап. «Ферма -- фақат Йўлдошевники, бизга нима,

кўнмаганлар ҳам бўлди. Элчилик-да! Уч одам «Ўргилдим сендай бойваччадан» дегандай, кетмонини елкага ташлади-ю, уюшманинг бригадаларига ўтиб кетди.

Йўлдошев яхши насл олиш, озуқа учун ажратилган ер майдонидан унумли фойдаланиш, кам маблағ сарфлаб, кўп маҳсулот олишни ўзи учун шiorга айлантирди. Тўғри, бу билан у янги Америка очгани йўқ. Буни деярли ҳар бир чорвадор яхши билади. Яхши билади-ю, қуруқ гапдан амалий ишга ўтишга келганда эвини қиллолмай қолишади.

Муаммо, камчилик «Йўлдош ота» хусусий тижорат фирмасида ҳам йўқ эмас. Ун комбинати, ёғ-экстракция заводи билан тузилган шартномалар ҳаммиша ҳам бажарилармайди. Ўтган йили юқорининг кўрсатмаси билан 80 гектарнинг тенг ярмига пахта экилди. Йўлдошевнинг елиб-югургани, раҳбарларга бундай иш юритиш чорвага ғирт зарар келтиришини тушунтириши бехуда кетди. Ферманинг ўзига қарашли тракторлари ҳам айтарли даражада соз эмас. Ғўзага ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириб олиш маҳалида фермадагиларнинг бўлари-бўлди. Тўғри, пахтадан мўмай пул тушади. Бирок...

-- Ферма бизнинг ихтиёримизга ўтганда 206 та қорамол бор эди, -- дейди ҳисобчи Рустам Шокиров. -- Ҳозир уларнинг сони 251 тага етди. Соғин сигирларимиз 83 бош. Ўтган йили юз бошидан 77 та бузоқ олдик. 1995 йилга қараганда 802 минг сўмлик кўп сут сотдик. Ялпи маҳсулот етиштириш дастлабки йилга қараганда бир миллион сўмдан ошиб кетди. 1996 йилни салкам 400 минг сўм соф фойда билан яқунладик.

ХАРИТАЛАРИМИЗ -- ЮРТИМИЗ КЎЗГУСИ

Харита -- инсоният тараққиётининг ҳар бир босқичида унга ўз фаолиятини амалга оширишда муҳим восита бўлиб келган

Агар бирор-бир хорижий давлатга биринчи марта борсак, у ердаги керакли жойини олиш учун, албатта, харитага мурожаат қиламиз. Шунингдек, юртимизга таширф буюрмақчи бўлган хорижий сайёҳ ҳам Ўзбекистонимиз билан, аввало, харита орқали танишади ва бу ерга келганда ўзи билан бирга республикамизнинг бирор-бир харитасини олиб кетади. Шунинг учун мамлакатимизни дунёга янада кенгроқ, тўғрироқ таништириш борасида хариталаримизнинг тугатган ўрни беқийс. Бу эса чоп этилаётган хариталаримизнинг мазмунли ва бекам-куст бўлишини тақозо қиладди.

сларида рус тилида чоп этилган харита ва атласлардан фойдаланар эдилар. Чунки бу борада ўзбек тилидаги материаллар жуда кам сонли бўлиб, бир неча миллионли ўзбек ўқувчилари талабини қондира олмасди. Ана шундай манбалардан бири -- 1981 йилда ўзбек ва рус тилларида чоп этилган Ўзбекистон ССР ўқув-ўлка-шунослик атласидир. Аммо ундаги маълумотлар ҳозирги кунга келиб эскириб қолди ва улар янги давр талабларига тўла жавоб бера олмайди.

Илмий мақсадлар учун ҳам хариталар деярли рус тилида бўлиб, ўзбек тилидаги илк йирик кўламли харита -- «Ўзбекистон Республикасининг экологик харитаси» 1992 йилда чоп этилган. Республикаимиздаги ҳар бир туман миқёсида тузилган ва қишлоқ хўжалик мақсадлари учун ишлатиладиган хариталар ҳар бир жойининг қишлоқ хўжалиги, аҳоли пунктлари ва табиий объектлари тўғрисидаги маълумотларни бирмунча тўлароқ акс



ҳам ҳайрон бўлдим. Масалан, асли номи «Шиммаха» бўлган қишлоқ харитада «Шмаха», «Чорикалон» қишлоғи «Чаракалак», «Халвогарон» -- «Халугран», «Чангарон» -- «Чангран» ва ҳ.к. тарзда ифодаланган. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Ҳозирги вақтда ҳам нашр этилаётган ўзбек тилидаги хариталарда жой номларининг ёзилишида имло хатолари учраб туради.

Бунинг асосий сабаби -- Ўзбекистонимизда давлат тилини, республикамиз тарихи, географияси ва топономикасини ҳар томонлама, пухта биладиган етук миллий картограф мутахассисларнинг етишмаслиги, деб айтиш мумкин. Тошкент давлат университетининг география факультетида 60-йилларнинг охири ва 70-йилларнинг бошида миллий картографлар тайёрлаш масаласи йўлга қўйилган эди. Аммо уша пайтда бор-йўғи икки гуруҳ бу мутахассисликни битириб чиққанди, холос. Республикаимизнинг бу борадаги эҳтиёжи асосан Москва ва Новосибирск геодезия, картография ва аэрофотосуратга олиш муҳандислари тайёрлаш институтларининг битирувчилари ҳисобига қондирилган эди.

Мустақиллигимиз шарофати билан ТошДУ да яна миллий картограф кадрлар тайёрлаш иши йўлга қўйилди. Бу, албатта, қувонарли бир ҳол. Ажаб эмаски, яқин келажакда Ўзбекистонда давлат тилида нашр этиладиган географик хариталаримиз кўпайса ва улар юқорида кўрсатилган камчиликлардан холи бўлса.

Каромиддин ГАДОЕВ,
география фанлари номзоди.

• ПАЙЧИЛАР, АҲВОЛИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Максим Горькийнинг дўппи кийиб тушган машҳур сурати жaxonни айланиб чиққанидан хабардормиз. Айтишларича, бу дўппини 30-йилларнинг ўрталарида хўжайилик чеварлар тўқишган экан. Бугунги кунда эса шу тумандаги «Сўғдиёна» акционерлик жамиятининг маҳсулотлари -- Амир Темур сиймоси туширилиб тўқилган икки гиламча Париж музейини, Улугбек сурати акс эттирилган гиламча эса Лондон музейини безаб турибди.

**ШАКЛИ ЯНГИ,
МАЗМУНИ ЭСА ЭСКИЧА**

- ◆ Маҳсулот ишлаб чиқариш нега камайди?
- ◆ Чанг босиб ётган моллар
- ◆ Акциясиз... акциядорлик жамияти

эвазига уларга 350-400 сўм иш ҳақи ёзилади.

-- Иш ҳақи нақд пулда эмас, балки кўрпа, кўрпача, полос каби буюмлар ҳисобида берилди. Уларни бозорда сотиб, ўрнига рўзгорга зарур у-бу харид қиламиз.

Яна бир қизиқ ҳолат. Бу ерда шогирдлар 1-3 ой давомида иш ўрганишади. Ана шу муддатда уларни ишга қабул қилиш ҳақида маъмуриятнинг буйруғи чиқарилмайди, бирортаси хавфсизлик техникаси бўйича синондан ўтказилмайди ва табиийки, маош ҳам ёзилмайди.

Пайчилик жамиятида гилам тўқиш цехидан ташқари пластмасса буюмлари тайёрлаш ва ёғочни қайта ишлаш, қандолатчилик, трикотаж, кийим тикиш, рўзгорбоп пахта титиш цехлари ҳам мавжуд. Шулардан фақат учтасигина баҳоли қудрат фаолият кўрсатмоқда.

Рўзгорбоп пахта титиш цехида 53 киши ишлайди. Унинг 45 нафари ишбай

узулида маош олади. Цехда ҳар ойда 150 тонна ўрнига 50-60 тонна маҳсулот қўлдан чиқарилмоқда. Титилган бир тонна пахта учун эса 550 сўм ҳақ тўланади. Агар цех тўла қувват билан ишлаган пайтларда ишчиларнинг ўртача маоши 1600-1700 сўмни ташкил этгани ҳисобга олинса, ҳозир бу кўрсаткич ҳам камайганлиги англашилади.

Бу цехга яқин орада на касоба уюшмаси, на санитария эпидемиология хизмати, на ёнғиндан муҳофаза қилиш органлари вакиллари келмаганга ўхшайди. Ишчилар махсус иш кийими ва чангу шовқиндан ҳимояландиган воситаларга эга эмас.

Яна бир ачинарли далил. 1996 йилда «Сўғдиёна» ҳиссадорлик жамияти бўйича 20 киши ишга қабул қилинган бўлса, 88 нафар киши эса ишдан бўшаб кетган. Бунга юқорида қайд қилинган нуқсонлар билан бирга, клуб, ошхона, спорт иншоотларининг йўқлиги ҳам

сабаб бўлаётир. Қолаверса, ишчиларни ташиш учун автобуслар ажратилмаган.

Корхонанинг болалар боғчаси эса яқинда шаҳар халқ таълими бўлими ихтиёрига берилди.

-- Ўтган йили жами 45 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, тахминан 5 миллион сўмдан ортиқ фойда олди, -- дейди Боғибек Отажонов. -- Декабрь ойининг ўзида 10 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот сотилди.

Лекин кўпгина ташкилотлар жамиятдан қарздор бўлгани ҳолда жамиятнинг қарзи 16 миллион сўмни ташкил этади. Омборларда эса 12-13 миллион сўмлик тайёр маҳсулот чанг босиб ётибди.

Гап шундаки, «Сўғдиёна» 1993 йилнинг октябрь ойида очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилган бўлса-да, ҳанузгача акциялар чиқарилмаган. Тўғри, 1996 йил 28 февраль кунги умумий йиғилишда 45 кун ичида бу масалани ҳал этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Лекин маблағ йўқлиги боис, у бажарилмасдан қолди. Раҳбарият 1997 йилда ҳам белгиланган 13.394 дона акция чиқаришга маблағнинг топилишига шубҳа қилмоқда. Энди айтинг: шу пайтгача қимматли қоғозга эга бўлмаган корхонани акционерлик жамияти, дейиш мумкинми? «Акция»нинг фойдасини ҳозирга қадар ўз кўзлари билан кўрмаган ишчилар эса меҳнатга муносабатларини ўзгартиришларига ким кафолат бера олади? Шақли ўзгарган эса-да, ҳамон эскича-усулда ишлаётган корхона кимга керак?

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИ ҚўЛЛАНМА

**ШАХСИЙ
КОМПЬЮТЕР
ЭГАЛАРИ УЧУН**

Иқтисодий ва ижтимоий фаолиятда компьютерлардан фойдаланилаётганига анча бўлди. Бироқ ишимизни тез ва аниқ ҳал эта оладиган жажжи компьютерлар техникасини ҳар биримиз биламизми? Уни ўрганмоқни нимадан бошлаш керак? Физика-математика фанлари номзоди Сайёра Раҳмонқулованинг яқинда чоп этилган «IBM PC шахсий компьютерида ишлаш» китобчаси шу жиҳатдан сизга яқин кўмакчи бўлади. Шахсий компьютернинг асосий қурилмалари, жараёнлар тизими, турли дастурлар билан ишлаш, матнларни таҳрир қилиш, файлларни архивлаш, вируслардан ҳимоялаш тартиблари китоб мундарижасидан ўрин олган. Китобни ўқиш жараёнида бу ҳақдаги барча маълумотларни билиб оласиз.

Китоб «Виртех» қўшма корхонаси мадади билан «Шарқ» матбаа концернида чоп этилган. Ўзбекистонда биринчилар қаторида компьютер техникалари ишлаб чиқара бошлаган ушбу корхона яқинда «Виртех» белгилли ўз компьютерини яратди. Бу эса корхонанинг узоқ йиллик меҳнати самарасидир.

Техника фанлари доктори Ҳамид Мамажонов тақризи остида босилган бу янги китобча IBM PC компьютери ҳамда унга мувофиқ компьютерлардан фойдаланувчиларнинг кенг оммасига мўлжалланган. Аниқ дастур асосида яратилгани учун ҳам у сизнинг компьютерда ишлашни осонгина ўрганиб олишингизга имкон яратади.

Г. ЖАМИЛОВА.

ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ

Йўл

**КЕЛАЖАКНИ
ЎЙЛАЁТГАН
ФЕРМЕР**

Марҳамат туманида ташкил этилган «Шухрат» хусусий деҳқон (фермер) хўжалиги рентабелли сертармоқ хўжалик. Ўтган йили Тоғжонирза Нуриев бошлиқ бу хўжалик 7 миллион 200 минг сўмдан кўпроқ даромад қилди. Унинг ихтиёрида 343 гектар ер бўлиб, пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 48 центнерни ташкил этди, буғдойнинг ҳар гектаридан 62 центнердан ҳосил кўтарилади.

Хўжаликда олинаётган даромад эвазига қўшимча иш жойлари ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Шу йўл билан уч юздан кўпроқ киши иш билан таъминланди. Туман ёшларидан тўрт киши Фарғонадаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш академиясида, икки нафари эса Марғилондаги молия-кредит техникумида ўқитилмоқда.

Яқинда фермер иқтисодий қийинчилик сабабли ёпилиб қолган 60 ўринли болалар боғчаси ва 50 ўринли касалхона ҳам таъмирлашга киришди. Бу муассасалар Наврўз байрами арафасида ишга тушади.

К. НИЗОМОВ,
ЎЗА мухбири.

**НАФОСАТ
ДўКОНИ**

«Совпластитал» қўшма корхонаси фирма дўконининг Жиззах филиали иш бошлаганига унча кўп бўлгани йўқ. Миқозлар сони эса кун сайин ортиб бораёпти. Қандолатлар, мева-сабзавот, нон солиб дастурхонга қўйиладиган бадий безакли нафис идишлар ҳамда турфа гуллар, айниқса, харидоргир.

Ташкилот ва корхоналар учун эса пул ўтказиш йўли билан ва векселга уй-жиҳозлари, эсдалик совғалари, болалар боғчаси учун ўйинчоқ ва мебеллар, хўжалик моллари, иш кабинети буюмлари, автомобилларнинг қиймет қисмлари каби юзлаб турдаги маҳсулотлар савдоси ташкил этилган.

Бу воҳадаги биринчи пластмасса буюмлари савдо маркази бўлгани учун унга қизиқиш тобора ортмоқда.

Х. НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Пойтахтимизнинг «Алгоритм» заводи -- ҳиссадорлик жамиятларида бугунги кунда ўндан ортиқ турдаги ихчам ускуналар ишлаб чиқарилмоқда. Тегирмонлар, кичик нон цехлари, макарон ишлаб чиқариш ускуналари шулар сирасига киради. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ тадбиркорлари учун қўл келмоқда.

СУРАТЛАРДА: мусиқали кўнгироқ ишлаб чиқариш цехининг усталари Наталья Антипина ва Муҳиба Абдусаломова; макарон ишлаб чиқариш ускуналари йиғиш цехида.

Р. НУРИДИНОВ олган суратлар.



Кичик бизнес

● ШАРҚЛОВЧИ МИНБАРИ

МАДЛЕН ОЛБРАЙТНИНГ ИЛК ХОРИЖИЙ САФАРИ

Россия билан НАТО ўртасидаги муносабатлар масаласи жаҳон оммавий ахборот воситаларида марказий ўрин эгалламоқда.

Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков мамлакат телевидениясига берган жавобларида Россия НАТОнинг Шарққа томон кенгайишига қарши Вето (ман этмоқ, таъқиқламоқ) ҳуқуқидан фойдалана олмайди, аммо Россия ўзининг миллий хавфсизлигини сақлашга ҳақлидир, деб таъкидлади. Примаковнинг уқтиришича, НАТО Россия манфаатларини ҳисобга олган ҳолда бу давлат (Россия) билан битимга эришмоғи керак.

НАТОнинг Шарққа томон кенгайиши истиқболлари ушбу иттифоқнинг сиёсий ислохотлар муаммоси бўлиб қолмоқда. Айнан шу масалалар Рим, Бонн ва Москвадаги музокараларда атрофича муҳокама қилинди. Европа ва Осиё давлатлари бўйлаб сафарга чиққан АҚШнинг янги давлат котиби Мадлен Олбрайт дастлаб, ГФР Федерал Канслери Гельмут Коль ва бу давлат ташқи ишлари вазири Клаус Кинкель билан учрашган бўлса, шу ҳафтанинг пайшанба куни россиялик ҳамкасби Евгений Примаков билан музокаралар олиб борди.

Россия Президенти Б. Ельциннинг АҚШ давлат котиби М. Олбрайт билан суҳбати ҳам жаҳон матбуотининг диққат марказида турибди. Олбрайт хоним Қўшма Штатлари маъмуриятининг Россия билан муносабатларига катта эътибор билан қараётганини таъкидлаб, НАТОнинг Шарққа томон кенгайиши Россия учун ҳеч қандай хавф солмайди, деди. Унинг уқтиришича, Россия НАТО билан қарама-қаршилик ҳолатида эмас, балки «бир-бирини англаш» йўлидан боргани афзал, англаш ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирини яхши тушунган тақдирдагина аҳамиятлидир.


НАТОнинг Шарқий Европадаги Польша, Чехия, Венгрия, Словакия ҳисобига кенгайиши билан боғлиқ муаммолар Россия сиёсатчилари, турли партиялар ва парламент аъзоларини анча ҳаракатга келтириб қўйди. Сизга номи яхши таниш бўлган Александр Лебедь душанба (17 февраль) куни Парижда Франция ҳукумат вакиллари ҳамда парламент аъзолари билан учрашди. Франция пойтахтидаги учрашувлар ва суҳбатларда Европа хавфсизлиги муаммолари муҳокама қилинди. Табиийки, Европа хавфсизлиги биринчи галда НАТО давлатлари билан Россиянинг ўзаро муносабатларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Россия коммунистларининг етакчиси Геннадий Зюганов океан ортидаги мамлакатда ўтказилган учрашувларда ҳам асосий мавзу-

лардан бири -- Бу «Россия ва НАТО» масаласи бўлапти. Зюганов жаноблари АҚШ конгрессининг таклифига кўра Вашингтон, Нью-Йорк ва Бостон шаҳарларида бўлади. Ўтган йилдаги сайловларда Президент лавозимини эгаллай олмаган Г. Зюганов АҚШнинг бир қанча олий ўқув юрларида маърузалар билан чиқишни режалаштирган.

Албатта, бу воқеа катта тажриба ва ҳаёт синовларига гувоҳ бўлган америкаликлар учун қандайдир шов-шувга лойиқ эмас. Чунки дунёдаги барча халқлар каби Америка халқи ҳам Зюганов кабиларнинг чиқишлари ва айниқса, қарама-қаршиликда, мухолифчиликда, мафкуравий зиддиятлар асосида яшашга даъват қилувчи гоя (коммунистик дунёқараш) нималарга олиб келганлигини яхши билади.

НАТОнинг Шарққа томон кенгайиши масаласига келсак, бу ҳарбий сиёсий иттифоқ Россия билан рақобатчилик ҳолатида яшашни эмас, балки «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» қилишни таклиф этмоқда.



Жаҳон сиёсатида «Умумевропа уйи» ибораси жуда машҳур. Зотан, Европа Иттифоқи (ЕИ) қитъа мамлакатларининг бирлигини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилиб, Европанинг умумий уйига айланмоқда.

Маълумки, ЕИ дунёдаги энг йирик ҳамкорлик доирасига эга бўлган ташкилотлардан биридир. Бутунги кунда Европа Иттифоқи 15 давлатни тенглик асосида бирлаштириб турибди. Ушбу тузилма савдо бўйича дунёдаги энг йирик шерик бўлиб, жаҳон савдосининг 20 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Бу АҚШ ва Япония кўрсаткичларидан кўпдир. ЕИ ўзининг қирқ йиллик тарихи мобайнида товарлар, маблағлар ва хизматлар эркин ҳаракат қиладиган ягона бозорни ташкил эта олди.

УМУМЕВРОПА

ҳақида етарли маълумотга эгамисиз?

Ҳозирда у ўз олдига ягона валютани жорий этиш, Европа Иттифоқида аъзо давлатларнинг ташқи муносабатлари ва хавфсизлик сингари масалаларда умумий сиёсат юритиш каби

мақсадларни қўйган. Тахминларга кўра, 2000 йилгача Европа Иттифоқида аъзо мамлакатлар сони 25 тага етиши мумкин. Айни дамда ЕИга кириш учун ўндан ортиқ мамлакатлар ариза берган. Бу давлатлар орасида Латвия, Литва, Эстония ва Шарқий Европа мамлакатлари асосий даъвогарлардан ҳисобланади. Бироқ бу сайё-ҳаракатлар тез ва осон кечмаяпти. Негаки, Шарқий Европа давлатларида аҳоли жон

бошига тақсимланган даромад ЕИ га аъзо энг камбағал мамлакат ҳисобланган Португалиядан ҳам анча кам. Табиийки, бу ҳолда янги аъзо давлатларга молиявий ёрдам кўрсатиш керак бўлади. Бу эса анчагина маблағни талаб этади.

Европа Иттифоқининг асосий органлари Европа Кенгаши, Европа Парламенти ва Европа Комиссиясидир. Биргина Европа Комиссиясининг Брюсселдаги ва қисман Люксембургдаги идораларида 17 мингта яқин штатли ходим фаолият кўрсатади. Бу ерда қабул қилинган ҳужжатлар 11 расмий тилга таржима қилинади. Негаки, улар аъзо давлатлар учун ҳаракат дастури ҳисобланади. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси алоҳида фаолият йўналишига жавоб беради ҳамда Бош департамент, деб номланувчи тегишли соҳага бошчилик қилади. Комиссиянинг Жак Сантер раислигидаги ҳозирги таркиби ўз вазифасини ижро этишга 1995 йилда киришган бўлиб, улар 2000 йилгача фаолият кўрсатади. Европа Кенгашининг 1996 йил 21 июнда Италиянинг Флоренция шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида Жак Сантер жаноблари Ўзбекистон ҳақида самимий фикр билдириб, мамлакатимиздаги ислохотлар жараёнини барча воситалар билан қўллаб-қувватлаш ниятида эканлигини таъкидлаган эди. Хабарингиз бор, ушбу анжуманда Президентимиз Ислам Каримов бошчилигида Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам иштирок этди. Унда ўтган йилнинг апрель ойида Тошкентдаги келишувга асосан, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битим имзоланди. Бу битимнинг имзоланиши Европа Иттифоқи билан мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтарди. Мазкур анжуманининг Флоренцияда, қолаверса, ЕИ доирасида ўтказилишида ҳам чуқур маъно бор. Зеро, бу Европа Иттифоқининг мамлакатимизнинг мустақиллигига ҳамда уни Марказий Осиё минтақасида тутиб келаётган ўрнига берган эътибор рамзидир. Маълумки, ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон билан ЕИга аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисида оралиқ битим имзоланди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг фаол аъзосига айланишида бундай алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз учун дунёнинг турли гўшаларига олиб борувчи йўллар очилаётган бутунги кунда Европа сари ташланган илк одимлар ҳам халқимизнинг келажагига хизмат қиладиган қутлуғ қадам бўлишига шубҳа йўқ.

АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН..

Чеченистон Президенти Аслан Масхадов яқшанба (16 февраль) кундан бошлаб ҳукумат Бош вазири вазифасини ҳам ўз зиммасига олди. Айни пайтда, Масхадов аввалги ҳукуматни тарқатиб юбориш ҳақидаги фармонга ҳам имзо чеккан. Шундай бўлса-да, ҳукуматнинг янги таркиби аниқ бўлганига қадар аввалги вазирлар ўз ишларини давом эттиравериши таъкидланди.

Ўтган ҳафтанинг шанба куни Чеченистонда парламент сайловларининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда янги парламентдан ўрин эгаллайдиган 26 депутат аниқ бўлди. Маълумки, шу йилнинг 27 январь куни Чеченистонда Президент сайловлари билан бир қаторда парламент сайловларининг дастлабки босқичи ҳам ўтказилган эди. Биз кўпроқ Чеченистон деб атайдиган бу республика Шимолий Кавказда Ичкерия Республикаси номи билан машҳур. Дарвоқе, чеченлар ўз она юртини Ичкерия, деб аташни жуда хуш кўришади.

Чеченистоннинг янги парламенти 63

депутатдан иборат бўлади. Ҳозирча 31 депутат аниқ бўлди, яъни 31 номзод Чечен сайловчиларининг аёвсиз «имтиҳонидан» муваффақиятли ўтиб олдилар.

Лекин, 31 депутат билан парламент фаолиятини бошлаб бўлмайди. Шу боис, энди Чеченистонда парламент сайловларининг учинчи босқичи ҳам ўтказилади. Бу воқеаларнинг чечен халқи учун аҳамияти шундаки, хоҳ Президент сайловлари бўлсин, хоҳ парламент сайловлари -- бунинг негизида аввало озодлик, ўз тақдирини ўзи ҳал этиш масаласи ётади. Мана сайловларнинг асосий қисми -- яъни Президент сайловлари ҳам ортда қолди. Бироқ Чеченистон муаммоси, унинг сиёсий мақоми, иқтисодиёт борасидаги масалалар ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, чечен халқи учун танланган йўлдан қайтмаслик асосий мезон. Она юртни кўз қорачиғидай асраш ота-боболар васияти. Зеро, «Аввал Ватан, кейин жон» деганлари шу бўлса керак.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ.

ХОРИЖДАН

КОПЕНГАГЕН. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига (ЕХХТ) аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашуви жорий йилнинг 18--19 декабрь кунлари Дания пойтахтида бўлиб ўтади. Бу ҳақда Дания ташқи сиёсат маҳкамаси журналистларга маълум қилди. Айни пайтда Дания ташқи ишлар вазири Нилс Хеллег Петерсен ЕХХТ раиси вазифасини бажармоқда.

СИНГАПУР. Токио яқинда АСЕАН мамлакатлари ва Япония давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувини ўтказиш ҳақида таклиф қилган эди. Кун кеча Малайзия ҳукумати ушбу учрашувга Хитой ва Жакубия Корейни ҳам таклиф этиш гоясини олға сурди. Маълумки, Малайзия гарб мамлакатларининг иқтисодий уюшмалари билан рақобат қила оладиган «Осиё Иттифоқи»ни ташкил этишга интиломоқда. Бироқ АҚШ томонидан кескин танқид қилинаётган бу гояга Япония ҳам совуққонлик билан ёндашаётир.

Хабарлар

Фурқат САНАЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

• **ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ**

талабига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Унинг сифати яхшилангач, бу ерда тайёрланаётган макарон маҳсулотларининг

чоғда бу ерда бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш линияларини тиклаш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда.

корхона ва фирмалар ташкил этилган эди. Булар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шуниси эътиборлики,

Маматрахимовнинг муносиб ҳиссаси бор.

-- Ўн йилдан бери қурилиш ишлари билан шуғулланамиз, -- дейди у. -- Фақат сўнгги йиллар мобайнида сотиш нуқталари салкам уч мингтага кўпайди. Қарийб ўнта қишлоқда эса бозор филиаллари очилди. Хусусан, М. Фойипов номли филиалда 1200 киши, Ж. Ботиралиев номли шохобчада 800 одам савдо-сотиқни амалга оширмоқда. Бу мақсадларга жами 4 миллион сўм сарфланди.

Одатда мол бозорлари энг тартибсиз, ифлос бўлади. Қувада яқинда ишга туширилган шундай бозорнинг чор-атрофида эса мевали ва манзарали дарахтлари шовуллаб турибди. Бу ерда сотувчилар учун ҳам, харидорларга ҳам барча қулайликлар яратилган. Ҳафтада 2 кун бозор уюштирилиб, 1000--1200 бош қорамол, жумладан, қўй-эчки савдога қўйилади. Улардан тушган пул -- бир миллион 860 минг сўм эса, асосан, бозор қурилишига ишлатилди.

Бугунги кунда Олимжон Маматрахимов усти ёпик деҳқон бозорини барпо этиш йўлида елиб-югурмоқда. Бу ният ҳам Наврўз байрамигача амалга ошишига шубҳа йўқ.


Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР МИЛЛИАРД СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

Кува вилоятга бўйсунувчи шахарлар сирасига киритилганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Шунга қарамадан, бугунги кунда у республика энгил саноатининг марказларидан бири -- Марғилон шахри билан бемалол бўйлашмоқда. Ўтган йили бу ерда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,6 фоиз ўсгани, халқ истеъмол моллари ҳажми салкам 2,5 баравар кўпайгани, мавжуд корхоналарда эса жами бир миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлангани шундан далолат беради.

Бундай ютуққа қайси омиллар ҳисобига эришилди?

Авалло, корхоналарни янги, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга биринчи даражали вазифа сифатида қаралмоқда. Мисол учун дон маҳсулотлари комбинатини олиб кўрайлик. Бу комбинат бундан ўн йил аввал тўла таъмирланган бўлса-да, ҳозирги пайтда талабга жавоб бермай қолган эди. Шу боис Швейцариянинг машҳур «Бюллер» фирмасидан жиҳозлар келтирилиб ўрнатилди. Натижада корхонада бир кечакундузда 400 тонна буғдой қайта ишланиб, жаҳон стандартлари



сифати ҳам кескин ўзгарди.

Бундан ташқари, бултурнинг ўзида «Кувамебель» ҳиссадорлик жамиятининг қатор цехлари чет элда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар билан қайтадан жиҳозланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасида эса Италиянинг анор шарбати тайёрловчи линияси ишга туширилди. Айни

Шаҳарда янги корхоналарни қуриш ҳам эътиборда. Масалан, янги йилнинг бошида коммунал хўжалик тармоқлари учун двигателлар ишлаб чиқарадиган ва таъмирлайдиган Марказий Осиеда ягона завод, иссиқ нон ишлаб чиқарадиган «Экмосан», кичик ҳажмдаги мебеллар тайёрлайдиган «Омад» корхоналари фойдаланишга топширилди. Ўтган йили эса 36 та кичик

бош пудрат бўйича амалга оширилган 70 миллион сўмлик ҳажмдаги қурилиш ишларининг 56 миллион сўмлиги шахарнинг ички манбалари ҳисобидан қопланди. Бу маблағ ёрдамида Каркидон сув омбори ҳавзасидан 7 километр масофага ичимлик суви, 1,5 километрлик газ қувурлари ётқизилгани, 21 километр узунликда янги йўл бунёд этилганини айтиб ўтиш kifоя.

«Юртнинг қиёфасини бозор белгилайди», -- дейишади. Илгари қуваликлар кўшни Марғилон, Андижон, Асака шахарларидаги бозорларга боришарди. Бугун эса Кува бозорига ҳатто Қирғизистоннинг Аравон, Новқат, Карвон қишлоқлари ҳамда Тожикистоннинг Исфара ва Ўратёпа шахарларидан ҳам харидорлар келишяпти. Сабоби -- у секин-аста «жаҳон бозори»га айланмоқда. Бунда шу тармоқнинг мутасаддисси Олимжон

• **ҲАМКОРЛИК**

БАРНАУЛ... ХОРАЗМГА КЕЛАДИ

Ҳамдўстликдаги бир қанча номдор заводларнинг етакчи цех ва филиаллари Хоразм вилояти маркази -- Урганчга кўчадиган бўлди.

-- Бу чўпчак эмас, ҳақиқат, -- дейди шахар ҳокими Э. Юсупов. -- Урганчдаги қатор корхоналарнинг раҳбарлари ва бир гуруҳ ишбилармонларнинг ўтган йили Россия Федерацияси ва Белоруссга қилинган амалий сафари самарали бўлди. Узаро келишувга мувофиқ, Урганч механика -- таъмирлаш заводида Белорусснинг МТЗ маркази тракторлари, МАЗ русумли юк автомашиналари, чорвачилик машинасозлиги заводида Сибирнинг дон ўриш комбайнлари, экскаватор таъмирлаш корхонасида Ростов--Доннинг серкват қазув машиналари, резина буюмларини таъмирлаш заводида Барнаулнинг чопиқ ва экиш тракторлари шиналари йиғувчи ҳамда ишлаб чиқарувчи ускуналар ўрнатилди. Зеро, шимоллик хорижий шерикларда Марказий Осие бозорларига қизиқиш катта. Шунинг учун ҳам улар хоразмлик вакилларнинг бу борадаги таклифини бажонидил қабул қилишди. Амалий ҳаракатлар аллақачон бошлаб юборилган. Ҳар икки томон учун қулай ва фойдали шартномаларнинг рўйи туфайли воҳа корхоналарида йилига ўртача 500 та МТЗ тракторлари, яна шунчадан МАЗ автомашиналари ва дон ўриш комбайнлари, бир неча минг дона шина буюмлари ишлаб чиқарилади.

Бунинг иқтисодий аҳамияти беқиёс. Чунончи, узоқ Белоруссдан ҳар битта тайёр трактор ёки автомобилни ташиш харажати 22-23 миллион Россия рублини ташкил этади. Ваҳоланки ана шу пулга қисмларга ажратилган, ҳали йиғилмаган 5 та техника ёки транспорт воситасини ташиб олиш мумкин. Яна бир ибратли жиҳати меҳнат ресурслари бисёр воҳада кўшимча бир неча минг янги иш ўринлари очилади. Кўпгина муаммолар ўз ечимини топади. Қолаверса, давлат жамғармаси ҳам катта наф кўради. Дастлабки ҳисоб-китоблар буюмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Узаро келишувга мувофиқ, Урганчда юқоридаги корхоналарнинг аввал харид қилинган трактор-машиналарини таъмирлаш ва савдо-харид марказини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Абдулла СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"ГҮШТСУТСАВДО" ДАВЛАТ САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
чекланмаган миқдорда Грузиянинг бутун дунёга машҳур шифобахш маъданли "Баржоми" сувини таклиф этади.



"Баржоми" суви:

- 1907 йили Қозонда;
- 1911 йили Дрезденда;
- 1940 йили Таллинда;
- 1975 йили Будапештда

халқаро совринлар ғолиби бўлганлигини унутманг!

Мурожаат учун манзил:

Тошкент ш., Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй (мўлжал: "Рисовой" бозори). Тел.: 91-40-11, 91-15-54, 91-57-43.





шундоқ оёқларинг тагида. У бошидан тирногигача актриса-ку».

Кейинчалик Малика «Ёш гвардия» театрига ўтди. Ва етти йил мобайнида 30 тача катта-кичик роль яратди. У турли жанрдаги сахна асарларида ўз қобилиятини синаб кўрди, ранг-баранг қахрамонлар қиёфасини шакллантирди. М. Иброҳимова учун ролнинг катта-кичиги йўқ. Сабаби, актрисанинг ўзи ҳаётда ҳам оддий ва камтарин. Битта мисол. Кўпчилик билади: бир пайтлар режиссёр Эргаш Масафоев замонавий услубда, яъни декорациясиз спектакллар



«очадиган» асарлар танлаши зарур. Унга ўз фикрини ўтказишга уринмасдиги керак. Актёр сахна қуроли эмас. Тассуфки, баъзан у декорация безаклари орасида «йўқолиб» кетади.

-- Сизга кўпроқ қапақа роллар маъқул?

-- Ҳаётда ўзим кўрган ва яхши билган одамлар қиёфасини, қалбдан татсирилган воқеа-ҳодисаларни жонлан-тиришни ёқтираман. Токи, спектаклни кўрган томошабин ё тўйиб йилеласин, ёки тўйиб кулсин. Лекин залдан лоқайд чиқиб кетмасин. Акс ҳолда санъатнинг гоёвий таъсир кучи бўлмайди.

-- Бугунги театр билан аввалгиси орасида қандай фарқ бор?

-- Узингиз биласиз, замона саракни-саракка, пучакни-пучакка ажратаяпти. Илгари актёр тақдир режиссёрга қаттиқ боғлиқ эди. Ҳатто ижодий учрашувларга ҳам унинг руҳсатисиз боролмасди. Ўзимдан қиёс: режиссёр ижозат бермаганлиги учун кинодаги қанча роллардан қолиб кетганман. Эндиликда актёрга ўз истеъдодини намоён этиш учун ҳамма имконият бор. Санъат оламига тасодифан кириб қолганлар бошқа ишнинг бошини тутишга мажбур бўлишяпти. Бунга табиий ҳол, деб қараш керак. Чунки ҳозирги томошабиннинг диди, савияси ниҳоятда юксак. Тинимсиз меҳнат ва изланиш орқалигина унинг ишончини қозониш мумкин.

-- Севган қахрамонларингиз?

-- Пул, мол-давлат, шон-шухрат кетидан қувмайдиган имон-этиқоди бут, диёнатли замондошларимга таъзим қиламан.

-- Оруларингиз?..

-- Шундай бир асар бўлсаки, яйраб ўйнасам, ижодий имкониятларимни тўла рўёбга чиқара олсам. Айтайлик, қари кампир ҳолатидан ёш қиз, қиз ҳолатидан бола, бўшанг одамдан қитмирга айлана олиш катта маҳорат ва фидойиликни талаб қилади. Яратгандан ана шундай саодатли онларга етказишини талаб қоламан.

Ориф ФАРМОН,
Носир ТОШЕВ.

СУРАТЛАРДА: М. Иброҳимова иштирок этган сахна асарларидан кўринишлар.

«ЭНГ ЯХШИ РОЛИМНИ ҲАЛДИ ЯРАТГАНИМ ЙЎҚ»

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган актриса
Малика ИБРОҲИМОВА ижодига бир назар

одам бўлишни истарди. Чунки у яхши артист бўлиш учун азоб-укубат тортиш керак, дея ишонарди.

Дилда тугён урган орзу Малика Иброҳимовани «Ўзбек-фильм» қошидаги студияга етаклаб келди. Бу ерда ўзига хос ижодий жараён қарор топган бўлиб, ёшлар энгил атлетика, сузиш, қиличбозлик, дзюдо, ҳайдовчилик, ашула айтиш, рақс, хуллас, замонавий киноактёрга нима зарур бўлса, ҳаммаси ҳақида зарур кўникма ҳосил қилиш учун шарт-шароит мавжуд эди. Ўша кунлар ҳақида гап кетса, Малика режиссёр Юрий Пуртовнинг машгулотларини мароқ билан эслади. Бунинг боиси бор, албатта. Ю. Пуртов шогирдларини ниҳоятда севар ва ҳурмат қиларди. «Қани, бугун кўчада нимани кўрдиларинг?», «Бозордаги сотувчи қандай оҳангда харидор чақиради?», «Ким Чарли Чаплинга тақлид қила олади?» каби саволлар бериб, йигит-қизларни мушоҳада қилишга ундар, уларни тинимсиз ижодга руҳлантирар эди.

-- Эсимда, -- дейди М. Иброҳимова, -- ўшанда эндигина 15 ёшга тўлгандим. Устозим Пуртов мени бош ролга тайинлади. Рус ёзувчиси В. Шукшиннинг «У ёқда, олисда» ҳикояси асосида тайёрланган инценировкада ўттиз ёшли омадсиз, энгилтабиат Ольга қиёфасини жонлантиришга ҳаракат қилдим. Бу менинг катта санъат остонасидаги биринчи қадамим эди, десам хато қилмайман. Бир йилдан сўнг театр ва рассомчилик институтига ўқишга кирдим. Негалигини билмайману лекин имтиҳонда «Бой ила хизматчи» спектаклидаги Гофур монологини ўқидим, Жамиланикини эмас. Домлалар роса кулишган...

Малика актёр сифатида

Шукур Бурҳоновни ўзининг ғойибона устози деб билар, унинг сахна маҳоратига ич-ичидан тан берар эди. Эҳтимол, шу боисдан Гофур монологи миясига сингиб қолгандир. Институт қабул комиссияси таркибида Шукур Бурҳонов ва Сора Эшонтураева ҳам бор эди. Не бахтки, кейинроқ Малика Иброҳимова улар билан бирга ишлаш шарафига муяссар бўлди. «Шоҳ Эдип» асаридан иштирок этди. Шукур Бурҳонов ёш актрисадаги қобилиятни тезда илғади ва уни ўз ижодига бағишланган телекўрсатувда А. Чеховнинг «Ваня тоғ» спектакли саҳнасидаги Соня ролига тақлиф этди.

«Очигини айтсам, мен ўшанда актёрлик техникаси, ҳолатга кириш ҳақида етарли тасаввурга эга эмасдим, -- эслади Малика. -- Репетиция пайтида қаттиқ ҳаяжонландим, нима қиларимни билмасдим. Бир пайт Шукур ака мен томон ўтиридилар: юзларида аччиқ ғам-алам, кўзларидан дувиллаб ёш оқар эди. Мен ҳам йиғлаб юбордим ва дарҳол ролга киришиб кетдим. Лаҳза ўтмай, ўзимни маънавий гариб, ҳаётни фақат меҳнатдан иборат деб биладиган бахтиқаро Соня тинсолида тасаввур этдим».

Асар кўнгилдагидек чиқди. Чунки машҳур санъаткор билан бошловчи актриса бир-бирларини сўзсиз тушуниб ўйнадилар. Шу орада Малика оёғини синдириб олди. Шукур ака суратга олишни тўхтатириб, унинг тузалишини бир ярим ой кутди, бошқа актёр тақлиф қилмади. «Малика фикрловчи, ўйловчи актриса, -- дерди Шукур Бурҳонов кинорежиссёрларга. -- Сизларгаям ҳайронман. Актёрларни нимага бошқа жойлардан излайсизлар? Бир Туркменистондан чақирасизлар, бир Россиядан. Мана, яхши ижрочи --

сахналаштирди. Аммо томошабинлар бунга тайёр эмасдилар. Шунда Малика фаол жамоатчи сифатида мактаблар, ишхоналарга бориб, ўзи чипта тарқата бошлади. Бироқ унинг болаларча соддалиги панд берди. Баъзиларнинг гапига ишониб, чипталарни насияга бериб келаверди, рўйхат ҳам қилмади. Натижада, театрдан уч юз сўмча қарз бўлиб қолди. Уни узиш учун уч ой асосий вазифасидан ташқари фаррошлик қилишига тўғри келган. Ўша пайтларда «Барабанчи» спектаклининг репетицияси кетаётган эди. «Иброҳимова! Саҳнага!» -- дея чорлайди режиссёр. Саҳнага спортча трико кийган, кўлида пол латта билан Малика чиқиб келади. Актёрлар хоҳолаб юбордилар. Малика эса парво қилмай, дарров ҳолатга киради. Репетиция давом этади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган актриса М. Иброҳимова бугун ижрочилик соҳасида ўз йўли ва услубини топган санъаткор. Ҳамкасбарининг айтишича, у зоқ вақт уйига радио, телевизор, магнитофонга ўхшаш буюмларни олиб келмаган. «Ишлашга ҳалақит беради, -- дерди у сўраб қолганларга. -- Агар меҳмон келиб қолса, ўғлим икковимиз «концерт» қўйиб бериб, хурсанд қилардик. Санъатнинг жозиба кучи ҳам шунда-да».

-- Ҳозир қайси ролларда бандсиз? -- сўраймиз актрисадан.

-- Ҳамза театрида намоийиш этилаётган «Афандининг беш хотини», «Алла», «Хотинлар гапидан чиққан хангома» спектаклларида ўйнаяпман. Лекин ўзимни қониқтирадиган ролларим кам. Энг яхшиси ҳали олдинда, деб ўйлайман.

-- Бугунги ўзбек режиссураси ҳақида фикрингиз?

-- Яхши режиссура -- асарнинг ярим муваффақиятидир. Шунинг учун режиссёр актёрни



Ёшлик даврини ҳар ким турлича кечиради. Малика болалигида ҳам шўх, тиниб-тинчимас, ерга урсанг кўкка сапчийдиган шаддод қиз эди. Ҳамма нарсага қизиқар, машҳур кишиларга тақлид қилишни хуш кўрар эди. Ғалати феъли ва шаддодлиги боис, одамларни кулдириб раҳмат эшитган, ва аксинча, дакки «еган» пайтлари кўп бўлган. Кейинчалик китобларга муккасидан кетди: кечани-кеча, кундузни-кундуз демай мутолаа қилар, онг ва шуурига турлитуман романтик ҳаёлларни жо этишга уринар эди. Малика табиатан ўзини руҳан қийноқларга дучор этишга мойил, дунёдаги энг «бахтсиз»

ВЕРОНИКА КАСПРОВИ ПАЖИЎСИЗМИ?

Мексика телевидениесига намоийиш этила бошланган янги телесериал «Кичик қишлоқдаги катта жаҳаннам» деб аталади. Унда бош ролларни бизга яхши таниш бўлган актёрлар -- Вероника Кастро ва Гильермо Капетильолар ижро этишган.

Гарчанд бу теленовелла ҳар доимгидек анъанавий -- муҳаббат можаролари ва қабиҳ тўқнашувлар билан лиммолим бўлсада, томошабинларни янги тухфалар кутмоқда. Вероника Кастро ўз артистлик карьерасидан биринчи бор

ўрта ёшдаги аёл ролини ижро этган. Шу вақтгача у ёш қиз ролини ўйнаб келарди. Фильмда мексикалик «мадонна»лар учун ниҳоятда ноодатий бўлган лаҳзалар ҳам бор.

Янги теленовелла воқеалари 1900 йилда Мичиокан штатининг мўъжазгина Науатсен қишлоғида бўлиб ўтади. Қахрамон Вероника Кастро -- миллионер Леонардининг 35 ёшли беваси -- азим ва чинакам туйғуни бошидан кечиради. Бундай пайтда эса муҳаббат нафақат шодлик, балки ҳаловатсизлик ҳам олиб келар экан...

«Глобус» журналидан олинди.

БОБУР АНДИЖОНДА...

Андижондаги адабиёт ва санъат тарихи музейининг «Арк ичи» Бобур уйи ёдгорлик бўлими буюк саркарда, шоҳ ва шoir Бобур таваллудининг 514 йиллигига бағишлаб «Бобур Андижонда» мавзусида адабий-бадиий кеча ўтказди. Ташриф буюрган 560 дан ортқ томошабинлар аввал музейнинг экспозиция залларини ва юбилей кўрғазмаларини томоша қилдилар. Сўнг, шеърхонлик бўлиб ўтди. Томошабинлар Андижон Давлат тиллар институти талабалари тайёрлаб келган Заҳриддин Муҳаммад Бобур шеърлари ва ғазалларини мароқ билан тингладилар.

Фотима ЖУМАЕВА.

Иқтидорли ёшлар лицейини аъло баҳолар билан тугатган Мурод-мирзо Шарипов ўн икки ёшида пойтахтимиздаги жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетига ўқишга кирди ҳамда республикамиздаги энг ёш талаба дея эътироф этилди. Бундай кутилмаган хабарни эшитиб, хайратдан ёқа ушладингизми? Ҳойнаҳой, кўнглингиздан, Гиннеснинг рекордлар китобига киритса арзийдиган воқеа, деган фикр ҳам кечгандир. Шошилманг, унчалик эмас.

Аслида, сиз учун фавқулодда бир ҳодиса бўлиб туюлган бу ҳолдан ажабланишнинг сира ҳожаги йўқ. Чунки қобилият, истеъдод бизнинг ёшларимиз учун бобоме-рос фазилатлардан саналади. Ахир, ўзбекининг томирида жаҳон илм-фани, маданияти ривожига буюк ҳиссаларини қўшган Абу Али ибн Сино, Беруний, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур (улар жуда

ридан бири бўлиб қолади». Бундай вазифаларни амалга оширишда республикамизда ривожланиб бораётган лицей ва гимназияларнинг аҳамияти катта. Мазкур зиё масканларида иқтидорли ёшларнинг эртага замонавий фан-техника ютуқларини турли соҳаларга жорий эта оладиган етуқ, малакали мутахассислар бўлиб етишишлари учун илқ тамал топи қўйилмоқда. Бу борада, айниқса, таълим тизими

туйғуларни сингдириш, юксак маданий ва жисмоний камолотга эриштиришга хизмат қилади. Табиийки, бундай масъулиятли вазифаларни уйдлаш мазкур соҳа вакилларида катта билим ва тажрибани талаб этади. Айни пайтда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий ўқув юртлири қошидаги мавжуд 28 та лицей ва лицей-интернатлар ҳамда 4 та гимназияда беш минг нафардан зиёд иқтидорли

тутларга ўқишга киришмоқда. Вазирликка қарашли лицейлар ўқув режаларида ёшларнинг келажақда олий ўқув юртлирига киришлари учун муҳим ҳисобланган фанларга умумтаълим мактабларидаги нисбатан кўпроқ вақт ажратилган. Хусусан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги лицейда ўқувчилар бир ҳафтада чет тиллари ва

ликлар тайёрлаб, нашр этиш масалалари ўз ечимини топиши керак. Лицейларда тадбиркорлик, бизнес асослари дарслари мунтазам равишда ташкил этилса ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Аксарият, ҳорижий мамлакатлардаги мана шундай таълим тизими толиблари учун махсус кийим-бошлар андозалари қабул қилинган. Ушбу усулни тажриба тариқасида бизда ҳам жорий этиш керак. Чунки лицейлар ўқувчиларининг бир хил формада юришлари уларни қатъий тартиб-интизомга ўргатади. Шунингдек, иқтидори жиҳатидан алоҳида ажралиб турадиган ёшларнинг ўқиш даврини қисқартириш (экстернат) масаласида бир тўхтамга келиш жуда зарар. Бунинг аҳамиятини оддийроқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, ана шунда Муродмирзо Шарипов сингари яхши маънодаги «гўдак-талабалар» сафи янада кенгайган бўлув эди.

Маълумки, лицейлар учун давлат бюджети-дан ташқари ҳам маълум миқдордаги маблағлар ажратилади. Ана шу пуллардан ўқувчилар, муаллимлар, ходимларнинг ўқиш ва ишда кўрсатган фаолликларини моддий рағбатлантириш ҳамда ўқув-тарбиявий, хизмат кўрсатиш, биноларни ободонлаштириш каби зарур мақсадларда унумли фойдаланса, айти муддао бўларди, деб ўйлайман. Бунинг учун лицейлар раҳбариятининг ушбу борадаги ҳуқуқларини кенгайтириш тақозо этилади. Яна бир муҳим тақлим фимиз шуки, ривожланган ўқув юртлири билан ўқувчи ва муаллимлар айирбошлашни йўлга қўйиш зарур. Зеро, барча соҳаларда бўлгани каби бу борада ҳам илғор хорижий тажрибалардан унумли фойдаланилса, республикамизда эндигина шаклланиб келаётган лицей таълими тизими бундан фақат наф кўради.

Жуманазар ҲУСАНОВ,
республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус ўқув юртлири бош бошқармаси бошлиғи.

ЛИЦЕЙ — ИСТЕЪДОДЛАР МАСКАНИ

кўпчилик) сингари алломаларнинг муборак қонлари оқиб турганлигини ким инкор эта олади? Истеъдод эса авлод суради, одамзод наслида мангу барҳаёт яшайди!


Халқимиз орасида Муродмирзога ўхшаган ёшлар кўп-кўп топилади. Асосийси, уларни кашф этиб, пухта таълим-тарбия бериш орқали истеъдодини тўғри йўлга сола билиш лозим. Очигини айтганда, бизда узоқ йиллар давомида халқимиз бағридаги бундай ноёб хазинага айтарли эътибор бериламай келинди. Фақатгина мустақилликка эришилгандан кейингина давлатимиз томонидан ёш истеъдодларга ҳам алоҳида ғамхўрликлар кўрсатила бошланди. Бугун ўзларининг «ғайритабиий» қобилиятлари билан бизни хайратга солаётган ёшларни эса ана шундай хайрли эътиборнинг меваларига қиёс этиш мумкин. Бунинг аҳамиятини оддий мезонлар билан ўлчаб бўлмайди. Чунки мамлакатимизнинг келажаги мана шундай бугунги «ўт-олов» ўспиринларимиз қўлида. Қолаверса, Президентимиз таъкидлаганларидек: «...таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлоднинг вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифала-

ҳодимлари иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, қобилиятларини юзага чиқаришга хизмат қилувчи шарт-шароитлар яратиб беришлари керак. Дарвоқе, айнан мана шу масалада республика ҳукумати қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Шахсан Президент И. Каримов ташаббуси билан ташкил этилган иқтидорли ёшларга кўмаклашувчи Улуғбек номли жамғарма ҳамда уларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармалари қобилиятли ёшларимизни тарбиялашда бизга яқиндан ёрдам бериши, шубҳасиз.

Ўзбекистон таълим тизимида лицейларни жорий этишда ҳам ўзига хос, замонавий йўл танланди. Яъни, бирор бир хорижий мамлакатнинг бу борадаги тўплаган тажрибалари айнан кўчириб олинмасдан, балки ўзимиздаги мавжуд шарт-шароитлар, анъаналар ва таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларига асосланган миллий руҳдаги лицейлар ташкил этила бошланди. Республикамизда 1993 йил қабул қилинган «Лицей ҳақидаги Низом»га мувофиқ Ўзбекистонда лицей — таълимнинг узлуксиз принципини амалга оширувчи ўрта умумтаълим муассасаси ҳисобланиб, ёшларга замонавий билим бериш, улар онгига ўзбекона ахлоқ-одоб, ватанпарварлик каби

ёшлар танлаган мутахассисликлари бўйича чуқур билим олишмоқда. Янги ўқув йилида эса бундай билим масканларига ўрта мактабларнинг 8-9 синфларини тугатган 3 минг 295 нафар истеъдодли ёш танлов асосида қабул қилинди. Уларга оддий фанлар қатори хорижий тиллар, маданият ва санъат сирлари ҳам чуқур ўргатиляпти. Синфларда ўқувчилар сони 25 нафардан ошмайди. Чунки шундай қилинганда, ўтилаётган дарслар самарадорлиги анча юқори бўлиши мутахассислар томонидан исботланган.

Лицейларда дарс бериш учун олий ўқув юртлирининг юксак малакали, фидойи профессор ва ўқитувчилари танлов асосида қабул қилинади. Чунки бу ерда уларга меҳнатлари самарасига қараб, анча юқори ҳақ тўланади. Ўқувчилар эса тегишли институт ва университетларнинг кутубхоналари, кафедралар тажрибоналари, соғлиқни сақлаш ва спорт мажмуаларидан тўлиқ фойдаланишади. Бўш пайтларида ўзлари ёқтирган фан ва спорт тўрақларида қатнашиб, мароқли дам олишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Энг муҳими, улар олий ўқув юртли шароитида яшаб, шу муҳитга кўникма ҳосил қилиб боришади. Лицейларни тамомлаган ёшларимизнинг аксарияти ўша инсти-



математика фанлари бўйича 8 соатдан, она тили ва адабиётдан 5 соат сабоқ олишади. Шу билан бирга, ушбу билим масканларида олий ўқув юртлири мутахассислигига оид менежмент, маркетинг, бозор иқтисодиёти асослари ва бошқа бир қанча фанлардан таълим бериш ҳам йўлга қўйилган. Умуман олганда, ҳар йили лицейларимизда илм олган ёшларнинг саксон-тўқсон фоизи олий ўқув юртлирига, қолганлари эса турли коллеж ҳамда ўрта махсус билим масканларига ўқишга қираётганлиги янги тажрибанинг нечоғли самара бераётганлигини аққол кўрсатиб турибди.


Шу билан бирга, лицейлар фаолиятини янада яхшилаб, замон талаблари даражасида ташкил этиш йўлида тўғаноқ бўлаётган камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, уларни зарур техник воситалар, аудио-видео ва ЭХМ ускуналари билан тўлиқ таъминлаш, иқтидорли ёшларга мўлжалланган махсус дарс-

ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

Кейинги йилларда халқ таълими мактабларини таъмирлаш, ўқув қуроллари билан таъминлаш борасида қийинчиликлар туғилганлиги сир эмас. Худди шундай пайтда Тошлоқ туманидаги 10-ўрта мактабни 79-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна ва «Холматобод» фермер хўжалиги оталиққа олишди.

Кўчма колонна қурувчилари мактабни таъмирлаш, жорий ремонт ишларини уйдлашда ёрдам беришга бўлса, Холматжон Маъмиров раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги мактабнинг, «Терактаги» қишлоғидаги филиалининг қурилиш ишларини баҳоли қудрат бажариб берапти. Фермер яна бир хайрли ишга қўл урди. У мактабнинг ўн нафар аълочи ўқувчисига ҳар ойда юз сўмдан стипендия ҳам ажратиб берапти.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.



МАКТАБНИНГ КОРХОНАСИ БОР

Яккабоғ туманидаги 19-ўрта мактаб қошида кичик корхона ташкил этилди. Унда эшик, дераза, бешик ва бошқа уй-рўзғор анжомлари тайёрлана бошлади. Кичик корхона ишчилари мактабнинг юқори синф ўқувчиларидир. Маҳсулотни сотишдан тушган пулнинг асосий қисми мактаб ҳисобига ўтказилади.

МУКАММАЛ ДАСТУР АСОСИДА

Ғузор тумани М. Раҳмонов номидаги жамоа ширкат хўжалигида жаҳон тиллари лицейи очилди. Бу илм масканида инглиз, француз, немис, рус тиллари мукаммал дастур асосида ўқитилади. Икки қаватли бинода жойлашган лицейда ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун барча қулайлик муҳайё қилинган. Улар ётоқхона, икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланади.

(ЎЗА).

Тадбиркорлар, фермерлар, хунармандлар!

"ТАШАББУС" ТАНЛОВИ

фаолиятингизни намоён этишда
қулай имкониятдир!

Ташкилотчилар: Ўзбекистон Давлат мулки қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Бизнес-фонд", "Мадад" суғурта агентлиги, "Пахтабанк", "Ўзтадбиркорбанк", Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фонди, Осие-Европа Траст компанияси, "Ўзинвестлойиха" инжиниринг компанияси.

Танловда: ўз фаолиятларида юқори кўрсаткичга эришган кичик ва ўрта корхона эгалари ва раҳбарлари, фермерлар, хусусий тадбиркорлар, хунармандлар иштирок этишлари мумкин.

Танловни ўтказиш муддатлари:
1997 йил

Вилоятларда
Республика босқичида

25 февралдан 5 мартгача
15-20 мартда бўлади

Республика, вилоят танловларида фахрли ўринни эгаллаганлар 3-12 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар, қимматбаҳо мукофотлар оладилар. Уларнинг фаолиятлари ва товарлари мамлакатимиз ва хорижда тақдимот (презентация) қилинади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда бошқа ташкилотчиларнинг жойлардаги идораларида қабул қилинмоқда.

"Ташаббус" танлови
ташкилий қўмитаси.

Халқ
сўзи

9

22
февраль

Эркаклар бақувват
бўлиши керак



Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

АПИФЕН



мушак оғриқларини
қолдирадиган ишончли,
самарали восита.

Кунига уч маҳал
1-2 таблеткадан.

Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

«Сурхон аджанта фарма лимитед»

ТАШКИЛОТ

ТРИНАТРИЙФОСФАТ

СОТАДИ

РОССИЯ
МАҲСУЛОТИ

78.59.69

78.24.26

TURKISTON



ХИФ
ТУРКИСТОН
ИНВЕСТ



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Агар Сиз ўзингизнинг ва фарзандларингизнинг келажагини моддий таъминлашни истасангиз, мамлакатимиздаги энг ийрик ва ишончли ХИФлардан бири - "Туркистон-Инвест" акцияларини сотиб олинг!

"Туркистон-Инвест"нинг низоом жамғармаси 5 000 000 сўмдан иборат бўлиб, қимматбаҳо қоғозлар бозорига умумий қиймати 500 млн. сўмдан иборат 5 млн. дона акция чиқаради.

Сиз, "Туркистон-Инвест" акцияларини "Азиятраст" бошқарув компанияси фонд дўконларидан ва республика Халқ банкнинг барча бўлимларидан сотиб олишингиз мумкин.

Бир дона акция баҳоси - 100 сўм.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Қашқар даҳаси, 17"А"-уй, 3-қават.

(Мўлжал: Ўт ўчирувчилар мактаби,
одинги ИИБ поликлиникаси биноси).

☎ Телефонлар: 35-24-56, 31-81-73.
☎ Пейжерлар 896, 894 (067 орқали).

«Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси жамоаси кинорежиссёр ва актёр Олим ва Азамат Эргашевларга оналари Сальва ЮМОДИЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Хар қуни капсуласини қабул қилар экансиз, сиз ўз терингизни мусоффо қиласиз, гўзаллик ва майинлик бахш этасиз.

Сизнинг бардам ва гўзаллигингиз.

БЬЮТИ ПЛЮС

Шаҳар дорихоналаридан сўранг

«Сурхон аджанта фарма лимитед»

"Ўздонмаҳсулот" давлат акционерлик корпорацияси томонидан чиқарилган ҳамда ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИга берилган:

серияси	рақами	номинали (сўм)
001	0017603	50 000

Шунингдек, Тошкент вил., Бекобод тумани "ШАМС" кўптармоқли хусусий фирмасига берилган:

серияси	рақами	номинали
001	0001322	50 000 (сўм)

векселлари йўқолганлиги сабабли ҳақиқий ҳисобланмайди.

АПКОСУЛ

гепатитдан ва сурункали
ичкиликбозликдан
жигар хасталанишидан
сақлайдиган восита



Шаҳар
дорихоналаридан
сўранг

«Сурхон аджанта фарма лимитед»

• АКЦИЗ МАРКАСИ -- ИШОНЧ БЕЛГИСИ

ўтирарди. Бу молларнинг на ҳужжати, на рўхсати бор. Шундан кейин солиқчилар ундан 1430 пачка сигарета ва 216 шиша спиртли ичимликни олиб қўйишга мажбур бўлдилар. Шу ҳуни энг кўп маркалан-

бўларди. Акциз маркаларисиз сотилаётган маҳсулотлар қардан келиб қолганлиги номаълум эди. Айрим «тадбиркор»ларда эса маҳсулот сотиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқ эди. Фарғоналик шундай устоз

калари ёпиштирилган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни сотиш муҳлати 1997 йил 1 мартгача тугайди.

Бундан юридик ва жисмоний шахслар хабардор бўлишлари ва шунга яраша иш тутишлари керак. Янги қондаги хилоф иш тутганлар белгиланган тартибда жаримага тортиладилар ва



**Божхона
бекати**

СОТУВЧИ ШОХИДА БЎЛСА,

СОЛИҚЧИ БАРГИДА ЮРАДИ

Солиқчилар «Отчопар» бозорини айланиб юриб «Добра Ташкент» фирмасига қарашли дўкон олдида тўхташди. Пештахтага акциз маркаларисиз териб қўйилган арақ ва коньяклар уларнинг эътиборини тортганди. Солиқчилардан бири сотувчи О. Лутфуллаевни саволга тутди:

-- Ука, спиртли ичимликларингизда акциз маркаси кўринмайдими?

-- Нима, акциз маркасини газак қиласизми? Сизга ўзи қанча марка керак?

Сотувчининг қўполлигидан инспекторнинг дили бироз ранжиган бўлса-да, амалдаги тартиб-қондани ётиги билан тушунтироқчи бўлди.

-- Тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни акциз маркалари ёпиштирмай сотиш татқиқланганига ҳозир тўрт ойдан ошди. Нима, ҳукумат қарори сизга дахлдор эмасми?

Сотувчи сергак тортди. Қаршида оддий харидор эмас, солиқ инспектори турганлигини энди фахмлади. Сунг ялиниб-ёлворишга тушди.

Йўқ, сотувчининг устомонлиги ўтмади. Солиқчилар акциз маркаси елимланмай сотилаётган «Русская водка» арагини бир-бир санашга тушдилар. 1019 шиша экан. Уларни сотувдан олиб,

вақтинча сақлаш учун омборга топширдилар. Кейин сотувчи боя жаҳл билан пештахта устига ташлаган акциз маркаларини кўздан кечирдилар. Маркалар коди бўйича Ғазалкент вино заводига тегишли экан. Улар заводда ишлаб чиқарилаётган спиртли ичимликларга елимланиб, сунг савдога чиқарилиши керак эди.

Лекин қандай қилиб «Отчопар» бозоридagi учарлар қўлига тушиб қолганлигига солиқчилар ҳайрон бўлишди. Ҳозир суриштирувчи идораларнинг ходимлари бу иш билан жиддий шуғулланмоқдалар.

Бозорнинг иккинчи томонидан пинхона арақфурушлик ва сигаретфурушлик қилаётган бошқа учарлар ҳам ўша куни солиқчилар қўлига тушди. Фуқаро Р. Ражабовнинг дўкони кўздан кечирилганида акциз маркаларисиз сотилаётган 1223 шиша коньяк чиқди. Ун қадам нарида савдо қилаётган фуқаро Б. Узоқовдан ҳам акциз маркаларисиз сотилаётган 1546 шиша спиртли ичимликлар олиб қўйилди.

Фуқаро А. Хўжаев бир қўли билан арақ сотса, иккинчи қўли билан сигаретлар сотиб

маган спиртли ичимлик фуқаро О. Қориевдан чиқди. У яшириб қўйган акциз маркаларисиз арақ-коньяклар 4224 шиша чиқди. Ака-ука Алиевлардан эса 2660 пачка акциз маркаларисиз сигаретлар олиб қўйилди.

Тошкентнинг бошқа бозорларидаги тартибсизликлар ҳам бундан қолишмайди. Солиқчилар уч-тўрт кун бозорлар ва дўконларни айланиб, акциз маркалари елимланмаган 19 минг 744 шиша спиртли ичимликни ва 83 минг 929 пачка сигаретни сотувдан олиб ташладилар. Энди уларнинг эгалари оёғи куйган товўқдай питирлаб юришибди.

Сурхондарё вилояти бўйлаб ўтказилган рейд давомида ҳам кўп камчиликлар ошкор бўлди. Солиқчилар Термиз шаҳридаги «Маҳамдали» фирмасида қасрда тайёрланганлиги номаълум бўлган 397 шиша арақ, 329 пачка сигарета борлигини аниқладилар. Уларга акциз маркалари ёпиштириш фирма раҳбарларининг хаёлига ҳам келмаган. Рейд давомида вилоятнинг бошқа шаҳар ва туман савдо шаҳобчаларида ҳам акциз маркаларисиз сотилаётган 6893 шиша арақ ва 1945 пачка сигарет борлиги маълум бўлди.

Бу галги текширувда барча вилоятлар қамраб олинган эди. Давлат солиқ қўмитаси ходимларига жойлардаги солиқ идораларининг инспекторлари кўмакдош бўлдилар. Шунинг учун ҳам рейд яқунлари кутилганидан яхши бўлди.

Солиқчилар текширув ўтказган барча вилоятларда асосан битта «касаллик» намоён



**АРМАТУРАНИ
«ЮТИБ» БЎЛМАДИ**

Бекобод шаҳрида истиқомат қилувчи Н. С. ишбилармонликда ўзини синая кўрмоқчи бўлди. Тожикистонлик М. С. ва М. Э. лар билан ўзаро тил бириктириб, «МАЗ--504» русумли 21-64 ТШТ рақамли машинага корхонасидан 15 тонна арматура ортиб, қўшни республикага йўл олди. Қўли энди ошга етганда бурни қонаса бўладими!

НАФСИ ЎПҚОНЛАР

Нафси ўпқонлик «санъат»ини ўзлаштиришнинг яна бир шарти бор: отнинг калласидай юрак ҳам керак. Ҳозирча Урганч темирйўл шоҳ бекати хазиначилари -- 1952 йилда туғилган Б. Ш., 1956 йилда туғилган Б. Р., шоҳбекат бошлиғи М. И., давлат темир йўл корпорацияси бўлим бошлиғи И. Ч., лар голиблик шоҳсупасини эгалладилар. Милиция ходимларининг айтишларича, улар ўтган йил давомида ҳисоботга доир ҳужжатларни қалбакилаштириш эвазига 1 миллион 576 минг 127 сўмни ўзлаштириб юборганлар.

кўрмаган сотувчилардан 4854 шиша спиртли ичимлик, 11 минг 340 пачка сигарета, самарқандлик учарлардан 1610 шиша арақ-коньяк, 2736 пачка сигарета вақтинча олиб қўйилди. Демак, улар қайта рўйхатдан ўтказилмаган, акциз солиғи ёки божхона божни тўланмаган.

Хабарингиз бор, тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга 1996 йил 1 октябрдан акциз маркаларини жорий этиш бошланган эди. Ўтган тўрт ой мобайнида бу йўналишда катта ташкилий ишлар қилинди. Натижада, акциз солиғи ва божхона божининг тўлиқ тушуми маълум даражада таъминланди. Қўлбола арақларнинг тарқалиши кескин камайди, сифатсиз ичимликлардан захарланишнинг олди олинди. Энди акциз маркалар жорий этишнинг янги босқичи бошланмоқда.

Янги қонда бўйича, инвентаризациядан ўтган ва акциз мар-

маҳсулотлари олиб қўйилади.

**Ж. НОСИРОВ,
Давлат солиқ
қўмитаси
матбуот
хизмати
раҳбари.**



СОЛЯРКАНИНГ САСИГИ

11 февраль куни Мирзаобод тумани ички ишлар бўлими ходимлари «Газ-53» русумли 21-11 СИМ рақамли машинани тўхтатишди. Сайхунбод туманида истиқомат қилувчи 1969 йилда туғилган М. Э. бошқарувидаги бу машина цистернага қўйилган уч ярим тонна солярка ёниғисини ҳеч қанақа ҳужжатсиз қўшни Қозоғистон Республикасига ўтказилиб, пуллашга мўлжалланган экан.

Солярканинг сасиғи сирни ошкор қилиб қўйди.

КЎЗОЙНАК ЯРАШМАБДИ

Денов шаҳридан Самарқандга қараб йўлга чиққан автобус Шеробод туманидаги ДАН масканида тўхтатилди. Салонни кўздан кечираётган милиционерлар ўзлари титкилаётган сумка оппоқ соқоли кўксини беркитган кўзойнакли чолга қарашли десалар, дастлаб ишонилмади. Аммо Тожикистон Республикасида яшовчи, 1926 йилда туғилган Азим бобо Сафаров охирати яқинлашиб қолганда ёлгон гапириб, иймонини ютган эмас. Ўша сумка ҳам, унинг ичидаги бир килограмм героин ҳам ўзиники эканлигини ўзи исботлади.

ДОЛЛАР ЎЛСИН-А, ДОЛЛАР ЎЛСИН...

Тошкент шаҳрининг Миробод туманида истиқомат қилувчи Ю. М. милиция идорасига ташриф буюрганида, афсус ва кўрқувдан озор чекарди. 5 ярим минг долларини олиб қўйишгани учун юраги туз сепгандек ачишса, яна 45 минг долларини

кўртдай санаб олишларидан, йўқса хонумони куйишидан ваҳимага тушарди.

Ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати ходимлари унинг жонига оро киришди. Доғистон Республикасида яшовчи, 1974 йилда туғилган М. М. ва Чилонзор туманида истиқомат қилувчи 1980 йилда туғилган Д. Р. лар ҳибсга олингандан кейингина унинг аъзойи баданидаги қалтироқ босилди. М. М.ни тинтув қилиш жараёнида унинг ёнидан 5,6 миллиметрли тўрт донга ўқ, гашиш гиёҳванд моддаси ва аризачидан олинган АҚШ доллари топилди.

ШАҲОДАТДАН ЎТГАН ЖИНОЯТ

Отингни сот, молингни сот -- амалдор бўл, деган гапда жон борми, дейман. Билъакс Жиззах вилояти маданият бошқармаси раҳбарларидан бири У. О. туман маданият уйи бошлиғи К.С. дан унинг жамоасини шаҳодатдан ўтказиб бериш эвазига 10 минг сўм талаб қилармиди. К. С. бу «марҳамат»дан боши осмонга етди ва хамир учидан патир, деб 5 минг тутқазди.

Ҳаммаси кўнгилдагидек кетаётганида, милиция ходимлари кириб келишди-ю, ишнинг пачаваси чиқди.

ЎҒРИГИНА БОЛАМ-А...

12 февралга ўтар кечаси Бойсун туманидаги Чилонзор қишлоғида яшовчи М. Эгамбердиевнинг кўрасидаги 30 бош қўйи билан бирга ороми йўқолди. Хайриятки тезкор тадбирлар бесамара бўлмади. Ангор туманида яшовчи А. С. гумондор тариқасида ушланди, ҳозир ўғирланган 30 бош қўй-қўзилар эгасининг уйида маъраппти.

**Раҳмонали ҚОСИМОВ,
республика ИИБ матбуот марказининг
катта инспектори, милиция капитани.**

**Криминал
хроника**

● ФАРИШТАЛИ АЁЛЛАРИМИЗ

Марям опа бир умр ҳалол яшаб, ҳалол ошаб, фарзандларига ҳам ана шу инсоний фазилатни сингдириб келди. Етти нафар фарзандини ўқитди. Эри вафот этгандан кейин ёлғиз боши билан оилада ҳам ота, ҳам она бўлди. Кўни-қўшнилари, ҳатто, фарзандлар ҳам етмиш ёшли оналарининг соддалиги, ниҳоятда кенг феъллигига баъзан ҳайрон қолишади.

-- Онажон, сиз шунинг учун ҳам

куйди.

-- Рамазон Ҳайити арафаси эди, -- деб ҳикоя қилади Марям опа, -- якшанба кун, бозор роса тикилинч, ёнимда икки неварам бор эди. Бир пайт катта сумкам йўқлигини сезиб қолдим. Аввалига ўғирлатдим шекилли, деб ўйладим. Чунки байрам муносабати билан қизларим-келиндаримга қимматбаҳо кўйлақликлар олган, уч ойлик пенсия пулим бир келиб,

ҳалол мол йўқолмайди, у аёлни танийман, албатта, қайтариб беради. Ахир унинг исми ҳам Марям, мен билан адаш, ўлибдими латта-путта деб, шундай пок номини булғашга» дедим.

Ҳақиқатан шундай бўлди. Марям опа икки ҳафталар ўтиб бозорга келганида адаши Марям опани излаб топди.

-- Машарифга келин бўлганман, фамилиям Шоликорова, -- дейди Марям опа, -- бу фамилия эсингизда қолади, негаки, бундай исм Тўрткўлда йўқ. Аслида, отамнинг исми Шоликор эмас, Назир бобо эдилар, лекин Хиванинг машҳур шоликорларидан бўлган. Шу сабаб исми қолиб, «Шоликор бобо» бўлиб кетганлар. Меҳнатни суйган мард, шижоатли инсон эдилар. Мақтаниш эмасу менинг табиатимни ҳам отамга ўхшатишади.

Икки Марям опа билан суҳбатлаша туриб, уларнинг ўзига яраша ажойиб хислату фазилатлари борлигига амин бўлдим.

-- Бировнинг молига ҳиёнат қилиш бизларга ярашмайди, -- дейди Шоликорова, -- адашим Марям опани яқиндан танимасам-да, бозор -- учарда кўриб турардим. Шу кун сумкадаги қолиб кетган моллар уники эканлигини билмаганман, эгаси чиқиб қолар, деб олиб кўйдим. Баъзи аёллар «ҳаммаси асил матоҳ экан, индамай олиб кўяверинг», дейишди. Шунча йил савдода ишлаб бировнинг ризқига, бир тийинига ҳам кўз олайтирмадим. Келиб-келиб, шу ёшимга етганда, шундай қиламанми ахир?

Марям она касбидан камол топган аёл. Бир неча йиллар шаҳар матлубот жамиятининг илғор савдо ходимларидан бири сифатида эъзоз топиб келди. Хусусийлаштириш жараёнлари бошланиб кетган даврда биринчилардан бўлиб, Тўрткўл бозорига янги дўкон қуришди. Йўлингиз тушса, унинг дўконига бир кириб ўтинг...

Шириной РАЗЗОҚОВА,
жамоатчи мухбир.

ЎЗБЕКОНА ФАЗИЛАТ

қаримайсиз, -- ҳазиллашишади ўғил-қизлар, -- қалбингизда ҳасад йўқ. Ёмонлик қилганни ҳам кечириб, яхшилик қилиб юрасиз.

-- Онажоним Сожида момо шундай яхши феълли аёл эдилар, -- дейди Марям опа. -- Тўқсон йил умр кўрдилар. Рост сўзлаб, тўғри, ҳалол яшадилар. Саксонга кирганида ҳам бир гайратли жувоннинг юмушини бажардилар, биз ҳайрон қолардик. Дам олинг, десак, бизга танбех берардилар, меҳнат, гайрат соғлом қилади, гийбат, ҳасад, қуруқ гап одамни ичдан кемиради, бора-бора соғлигини ҳам емиради. Гап сўзлағунча иш билан банд бўсаларинг, шунчалик ҳурматли бўласизлар, ўзингизга ҳам фойда келаверади, дердилар.

Тўғри, гоҳида қоқиласиз, азият чекасиз. Буни ҳаёт, дейдилар. Кимлардир туфайли оғзингиздаги ошингизни ҳам олдириб ўтирасиз. Бироқ, вақти келиб, шу кишига сиздан бўлмаса, фарзанддан ёки бошқа бировдан азият келганини кўриб, беихтиёр ёқа ушлайсиз. Сиз ёмонликка ёмонлик қилмасангиз-да, буни яратган эгам жавобсиз қўймастизни кўрасиз.

Ҳа, Марям опа ана шундай файласуфона фикр юритадиган, пиру-бадавлат, кўрсангиз кўришга, суҳбатлашсангиз, оромижон суҳбатдош бўлишга арзуғулик аёл. Юз-кўзидан нур ёғилиб туради.

Ана шу онахон муқаддас Рамазон кунлари бозорда салкам беш минг сўмлик харид қилган нарсаларини йўқотиб



роса харажат қилган эдим. Бирданига бозорда сотувчилик қилаётган аёл ёнида сумкамни қолдириб кетганим эсимга тушди. Борсам, аёл йўқ, ишини тугатиб уйига қайтган экан. Шу кун кишлоққа қайтдик. Бу орада уч кун ўтиб кетди. Иш билан бўлиб, на ўзим, на фарзандларим бозорга боролмадик. Қизларим «Онажон, энди молингизнинг фотиҳасини ўқиб кўяверинг!» деб ҳазиллашишди. «Йўқ,

АНЪАНА

ҚАЛБДА ПОРЛАГАН ҚУЁШ

Маънавият — гоят кенг қамровли тушунча. Ўнлаб талқинлари мавжуд. Арабчадан олинган бу сўз «Маъно», «Рухий ҳолат» демақдир. Яна «Нур», «Еруғлик» ҳам дейилади. Фалсафий маънода маънавият -- жамият ривожига жараёнида шаклланган маданиятнинг инсон, инсоният онгида ифодаланишидир. Бошқача айтганда, онгда пайдо бўлган жамики ҳосилалар, жараёнлар маънавият орқали ўз ифодасини топади. Булар аввалом инсондаги иймон, эътиқод, виждон, ҳалол-поклик, ор-номус ҳамда ўзликни англаш, расм-русумлар, адабий ва маданий савия, мусиқий тарбия ва ҳоказолардан иборатдир. Мухбиримиз Андижон Давлат тиллар институти ректори, филология фанлар доктори, профессор М. УМАРХУЖАЕВ билан айнан шу ҳақда суҳбатлашди.

-- Донишмандлар маънавиятни қалбда порлаган қуёшга ўхшатганлар. У руҳ, илоҳиёт билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли даҳрийлар даврида яратилган лугатлардан бу тушунчани топа олмайсиз. Ҳатто икки томлик «Ўзбек тилининг изоҳли лугатида» ҳам йўқ.

Шарқ маданияти тарихида ижтимоий тараққиёт мезони одамларнинг маънавиятини қай даражада эгаллаганликлари билан белгиланган. Шарқ файласуфлари инсон ва жамият мукаммаллашуви гоёсига одамларнинг маънавий-ижтимоий ва ахлоқий нуқсонлардан, разилликлардан покланиш масаласи сифатида қараганлар. Чунончи Ибн Сино машҳур «Китоб ашшифо» асарига тиббиёт ва фалсафа фанларининг инсон вужуди ва руҳиятидаги касалликларни

даволашга хизмат қилиши кераклигини ўқтиради.

Абу Наср Фаробийнинг айтишича, руҳиятда ҳам, танада бўлгани каби, касалланиш ва соғайиш жараёнлари кечади. Рух соғломлиги шундаки, одам эзгу амалларни, яхшилик ва хайрли ишларни амалга оширади ва бу билан ўз руҳининг соғлом, поклигини англайди. Ёки аксинча, руҳияти касалланган одам жисмонан мажруҳ кишидан ночорроқ ва хавфлироқдир. Уни тузатиш мушкул.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги маънавий уйғониш даврини бошлаб берди. Тўғри, собиқ шўролар даврида ҳам инсоннинг маънавий баркамоллиги тўғрисида анча-мунча гаплар бўлар, у ёки бу даражада амалий ҳаракатлар кўзга ташланарди. Аслида, улар халқимиз маънавий қиёфасини йўқотишга қаратилгандир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки давридаги бозор иқтисодиётига ўтиш қийинчиликлари, муаммолари, айниқса, ёшларни шошириб қўйди. Маънавиятнинг эски меъёрлари янги тузум талабларига жавоб беролмай қолди. Айрим раҳбарлар маънавият масалаларига иккинчи даражали иш сифатида қарай бошладилар... Ҳозирги пайтда олий маълумотли бўлишнинг ўзи етарли эмас. Тасаввур қилинг, яхши мутахассис бўлса-ю, маънавий етук бўлмаса...


Институт маънавият бешигидир. У ўз вазифасига кўра зиёлини етиштиради. Зиёли-маънавият тушунчасининг эгизаги. Демак, биз ўз фаолиятимизда маънавий баркамол шахсни, комил инсонни тарбиялашни зиммага олганмиз. Аввало, маънавият ва маърифат масалалари бўйича биринчи проректор лавозими жорий қилинган, шу масалалар билан шуғулланувчи махсус бўлим ташкил этилди. Уларнинг мақоми ва дастури белгиланди.

Маънавий-маърифий масалалар бўйича кенгаш тузилиб, Низомни, дастури ва режасини ишлаб чиқдик. «Маънавият ва маърифат» хоналари, кекса ва етук профессор-ўқитувчилардан иборат мураббийлар кенгаши фаолият кўрсатмоқда. Ёш ўқитувчилар учун ҳар ойда бир

марта «Маънавият ва маърифат» ўқишлари, жума кунлари эса «Маънавият ва маърифат соатлари» ўтказилапти.

Барча амалий тадбирларимиз талабаларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримиз, Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган.

О. ШОДМОНАЛИЕВ.



Халқ
сўзи

11

22
Февраль

РАССОМЛАР
ҚИШЛОҒИ

Самарқанд туманидаги Оҳалик қишлоғининг сержило сўлим табиати, ўнлаб ижодкорлар қалбига илҳом бағишлаган десак муболаға бўлмайди. Чунки бугун шу қишлоқ бағрида олти нафар рассом яшаб, ижод қилмоқда.

Қишлоқ клубида илк бор расмлар ва халқ хунармандчилиги намуналаридан кўргазма ташкил этилганидан буён ун икки йил ўтди.

Қишлоқдан чиққан биринчи рассом, эндиликда марҳум Абдувоҳоб Ғаниев Оҳалик ижодкорларининг оқсоқоли эди. Унинг ташаббуси билан уюштирилган бу кўргазма ҳа-нуз ишлаб турибди.

Рассомнинг Зухра Бекбулатова, Жума Абдурауф каби шогирдлари эндиликда Оҳалик мўйқалам соҳибларига устоз. Бу дилбар масканда туғилиб вояга етган рассомлар барча асарларини аввало ҳамқишлоқлари эътиборига ҳавола этишни қанда қилишмайди.

М. МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ...
ОТ-АРАВАДА

«Қорақалпоқ» хусусий фирмасининг соҳиби Н. Ўтамбетов антиқа сафарга тайёргарлик кўрмоқда.

Бу сафарнинг антиқалиги шундаки, у нуқуслик уч нафар ҳаммаслак дўсти билан от-аравада ер юзини айланиб чиқмоқчи. Қизик, асли қасби юрист-журналист бўлган бу одамни машаққатли саёҳатта нима мажбур этди экан?

Мазкур сафардан қўзланган мақсад битта -- у ҳам бўлса, жаҳон оммаси эътиборини яна бир қарра Орол муаммосига жалб этиш экан.

Экспедиция аъзолари бир йил ичида ер юзининг Қирқинчи параллел чизиги бўйлаб икки уммондан, ўн саккиз давлат ҳудудидан ўтиб, Ўзбекистонга қайтиб келишни мўлжаллашган. Ушбу тадбир давомига саёҳатчиларимиз табиат манзараларини, йўлда учраган эл-элатларнинг урф-одатларини, турмуш тарзини видеотасвирга тушириш, тупроқ, сув таркибларини ўрганиш ва бундан чиқарилган хулосалар тўғрисидаги маълумотномани БМТга жўнатиш ниятида эканлар.

Айни пайтда Нукус шаҳри ҳокимияти саёҳатчиларга сафар аравасини ҳозирлашда қумаклашини ўз зиммасига олган. Бўлғуси сайёҳларга бошқа ташкилот ва хўжаликлар ҳам маблағ ва анжомлар борасида ёрдам уюштиришса ажаб эмас.

Х. АБДУСОДИҚ

Термиз — Сурхондарё вилоятининг маркази. Майдон — 27,8 кв. км. Аҳолиси 108 минг 800 киши. 23 миллат вакили истиқомат қилади.

Термиз мамлакатимизнинг жанубий қисмида жойлашганлиги учун уни «Ўзбекистоннинг жанубий дарвозаси», деб аташади. У, дарҳақиқат, қадимда ҳам «Буюк ипак йўли»даги катта карвонлар тин оладиган шаҳар бўлган. Агар буюк ипак йўлининг ёши уч минг йилдан ошиб кетишини эсга олсак Термизнинг неча ёшдалиги кундай равшан бўлади.

Катта шаҳарлар одатда катта сувларга — дарёларга, денгизларга, уммонларга яқин ерда бино бўлади. Термиз ҳам шундай — Амударёнинг ўнг соҳилини макон тутган.

Амударё Термизгача шитоб билан оқади. Шаҳарнинг кунботишдаги «Пайгамбар ороли»га келиб шаштидан тушади— орол унинг дамини кесиби, иккига бўлиб юборади. Ва табиийки, ўзанлар тораёди. Худди шу нарса дарёнинг у юзидан бу юзига ўтишни осонлаштиради. Шу боис илгари ҳам, ҳозир ҳам ўтиб қайтадиган кўприклар асосан ана шу ерда қурилган.

Дарё, кечувнинг қулайлиги Рим, Парфия, Хан, Кушон империяларини бир-бири билан боғлаб турувчи, карвон йўлидаги бу шаҳарни бой ва обод қилиб юборган. Шунинг учун Александр Македонский ҳам уни четлаб ўтолмаган. У Термизда мислсиз қаршилиқка дуч келади. Мелоддан аввалги 327 йилда Македонский шиддатли ва шафқатсиз жанглардан сўнг Термизни забт этди. Зудлик билан мағлуб шаҳарни ўзининг номи билан атай бошлади —


аёлларга индамас эди. Чингизхон аёлларга ҳам шафқат қилмади. Аммо унинг салтанатини ҳам тарихнинг шамоли худди хасдай учуриб кетди. Термиз эса Термизлигича қолаверди.

Қанча жангу-жадал бўлмасин, шоху саркардалар келиб-кетмасин, лекин улар Термиз учун абадий тимсол

ди.

Ҳерман Вамбери ўз асарида Чингизхоннинг истилоси Мовароуннаҳрда аниқ фанларни таназулга улоқтирди, натижада тараққиёт ривожланиб кетди, деган маърифатсиз фикрни айтади. Агар у тариқат дунёдаги жамийки илмларнинг асоси, байроғи, султони эканлигини англага-

ТЕРМИЗ



нида зинҳор бундай демаган бўлур эди. Илоҳиёт илмига макон бўлиш саодати Термиз шаҳрининг пешонасига битилган экан: бу нур ҳамон миллионлаб кўнгилларни мунаввар қилиб турипти...

Аммо йигирманчи аср Термизга шараф келтирмади. У яна узоқдаги ҳукмдорларнинг кўнглини бузиб, кўзини ўйнатди... Натижада Термиз бундан атиги бир неча йил бурун ҳам унинг кўпдан-кўп асоратлари, кўргуликларини бошдан кечирди... Афғонистон уруши туфайли шаҳар ўн йилдан зиёдроқ вақт давомида ҳарбий «полигон»га айлантирилди. Термиз ўз кўрки ва қиёфасини буткул йўқотди. Кўча-ю, боғлар хароб аҳволга келиб қолган эди. Шу боис истиқлолга эришилганидан кейин Термизнинг аввалги қиёфасини тиклаш термизликларнинг асосий мақсадига айланди. Ана шу мақсадда шаҳар дастури тузилди. Кўча ва ҳиёбонлар ободонлаштирилмоқда, янги дарахт кўчатлари ўтказилмоқда. Шаҳарда, айниқса, кейинги вақтда шарқона услубда қурилган бир қанча янги бинолар қад ростлади.

— Агар 1995 йилда капитал қурилиш учун молиялаштирилган барча манбалар ҳисобидан 183,7 миллион сўм сарфланган бўлса, 1996 йилда бу миқдор 427,7 миллион сўмни ташкил этди, — дейди шаҳар ҳокими Хусан Умаров, — ўтган йил давомида 2 та 16 хонадонли уй-жой, 70 ўринли болалар касалхонаси, 2 минг ўринли «Теннис корти», вилоят ҳарбий хизматта қақурув пункти, аэропортнинг янги қўшимча биноси ҳамда

«Алпомиш» марказий ўйингоҳлари қурилиб, таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Айни пайтда «Ёпиқ бозор» ҳамда «Автосалон» каби йирик қурилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Шаҳарда ободонлаштириш учун 6,1 миллион сўмлик иш бажарилди. 35 минг кв. метр кўча ва ҳиёбонларга асфальт ётқизилди, 16 минг кўчат ва гуллар экилди. 53,7 километрлик ариқ ва сув иншоотлари тозаланди.

Шаҳарда, айни пайтда, 800 та кичик ва хусусий, 25 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда жами 4 минг 324 киши меҳнат қилаёпти. Шаҳар тобора гўзаллашиб, қиёфасини ўзгартирмоқда.

Термизнинг ўзига хос табиати бор. Уни ҳатто... кўёш ҳам яхши кўради. Бир йилда Термизнинг кўёшли кунлари 3043 соат! Бу кўрсаткич Тошкентда 2870, Самарқандда 2916 соат! Энг узун кун — 14 соат 15 минут. Ёзда иссиқ баъзан элик даражадан ҳам ошиб кетади. Денгиз сатҳидан 302 метр баланд. Аммо ёғингарчилик кам бўлади — 133 мм.

Термиз ўзининг «Афғон шамоли» билан... машҳур. У ёзда, ҳатто, кўёшни тўсиб қўяди. Тасаввур қилинг: ёз иссиқ, ҳатто сояда ҳам ҳансирайсиз. Бирдан ҳаммаёқ жи-им бўлиб қолади. Сўнг ғуборли шамол бошланади. Шоир Рауф Парфининг ибораси билан айтганда осмон таргиллашиб кетади.

«Афғон шамоли» ҳеч қачон эрталаб бошланиб кечкурун тугамайди— бошланган вақтида тугайди. Бир кун, икки кун, уч кун... етти кунгача давом этади. Термизликлар «Афғон шамоли»ни яхши кўришади. Чунки, шамол тўхташи билан ажойиб кун бўлади: ҳаво тоза, осмон тиниқ, кун салқин... Олимларнинг аниқлашича «Афғон шамоли» чоғи ҳавога олтин бирикмаси кўтарилар, одам уни нафас аъзолари орқали ўзлаштирар экан...


Термизликлар шаҳарнинг икки ярим минг йиллигини нишонлашмоқчи. Катта тадбирлар белгиланган, Олимлар ўзларининг янги тадқиқотларини бошлашган — китоблар ёзилмоқда. Энг муҳими шу муносабат билан шаҳарда яна катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Термизда яна Шафоат Раҳматулло Термизий деган шоир яшайди. У айтади:

**Дунё турар бир кўшиққа шайланиб,
Кетмайсанми, сен баҳорга айланиб!**

Зотан, баркамолликнинг ўзи ҳам мангу баҳор деганидир. Термиз ана шундай шаҳар.

**Исмаи ХУДОЁРОВ,
Тождин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.**

БУХОРОНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ



Бухоройи шариф ҳақида ёзилган китобларни жамла-са, каттакун бир кутубхона пайдо бўлади, лекин шунга қарамай бу қадимий шаҳар сирли, тилсизли, очилмаган бир қўриқлигича қолаверади. Утмиш салафларимиз Абу Бакр Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Аҳмад бин Маҳмуднинг «Муллозода китоби», Салимийнинг «Кашкули Салимий» китоблари, Аҳмад Доғиш, Фитрат, Айнийларнинг Бухоро тарихига оид катта-кичик рисодалари, илмий ва бадиий асарлари, қолаверса XIX аср охири ва XX аср рус ва хоржий шарқшуносларининг Бухоро тарихига доир асарларигача барча-барчаси ана шу муаззам шаҳар ҳақида ҳикоя қилади.

Мана, кўлимизда бухоролик ёш тадқиқотчилар Сайёра Раҳматова ва Ҳайдар Қурбоновлар олиб борган илмий изланишлари самараси ўлароқ майдонга келган «Бухоро гузарлари тарихидан лавҳалар» рисоласи... Китоб «Бухоро» нашриёти томонидан чоп қилинди. Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан қизиқиш кучайган бир пайтда ушбу рисоланинг чиқиши айни муддао бўлди. Рисолада Бухоро шаҳридаги 210 қадимий гузар (маҳалла) ҳақида маълумот берилди. Бу, албатта, муаллифлар китобнинг кириш қисмида айтишганидек ҳамир учидан патир, тўлиқ «Бухоро гузарлари тарихини» яратиш йўлидаги бир дебочадир.

Маълумки, шаҳарлар барча замонларда ҳам халқларнинг ҳаётида сиёсий, иқтисодий ва маънавий марказ сифатида муҳим ўрин эгаллаб келган, тараққиётнинг бош омилли бўлиб хизмат қилган. Қадим замонлардан буюн тарихан таркиб топган ҳар бир ҳудуд, минтақа ёки давлатда шаҳарлар тараққиётнинг қай даражада эканлигини кўрсатиб туривчи кўзгу ҳисобланган. Мазкур рисола шаҳримизнинг асрлар давомида шаклланган тарихий топографияси (харитаси), топономикаси (жой номлари), этимологияси (номларнинг келиб чиқиши, маъноси), маънавий турмуш тарзини ёритишга бағишланганлиги билан диққатга сазовордир.

Китоб узоқ йиллик меҳнат самараси бўлиб, муаллифлар уни ёзишда турли манбалар, тарихий адабиётлар, ҳужжатгоҳлардаги маълумотлар, кекса бухорликларнинг хотираларидан умумий фойдаланганлар. Энг муҳим томонларидан бири шундаки, гузарлар ҳақида маълумот баён қилинганда муаллифлар нафақат унинг тарихи, Бухоро шаҳрида тутган ўрни, аҳолисининг касб-кори, миллий таркиби ва ҳоказолар, балки унинг ҳозирги номи, тахминан қайси кўчаларни ўз ичига олганлиги ва чегараси ҳусусида ҳам тўхталадилар. Бу эса рисо-ланнинг қимматини янада оширади.

Рисолада Бухоро ва унинг гузарларига оид ҳикоят ва ривоятларнинг келтирилиши унинг китобхон учун янада қизиқарли бўлишини таъминлаган.

**А. ҒАҒУРОВ,
И. СУБҲОНИЙ.**

• АЛЛОМАЛАР ҲАЁТИДАН

АҲМАД ФАРҒОНИЙ

(тахминан 797--865 йилар)

Ўрта асрларда яшаган Ўрта Осиёлик олимлар орасида салмоқли ўрин эгаллаган астроном, математик ва географ ал-Фарғонийнинг тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғонийдир. Манбаларда унинг фарғоналик эканлигидан ташқари деярли бошқа маълумотлар сақланмаган. Лекин шуни ҳам эътиборга олиш керакки, ўрта асрларда мусулмон ўлкаларида бўлган анъанага биноан, мамлакат пойтахти ёки марказини ҳам мамлакат номи билан аташган. Шунинг учун ал-Фарғоний Фарғона водийсининг исталган қишлоғидан ёки марказий шаҳри Ахсикатдан бўлиши ҳам мумкин.

819 йили ал-Маъмун бутун сарой аъёнлари ва уламолари билан бирга Бағдодга кўчди. Улар орасида ал-Фарғоний ҳам бор эди. Шундай бўлса ҳам ал-Маъмун кўл остида у тузган илмий марказ «Байт ул-ҳикма»да ишлаган олимлар орасида ал-Фарғонийнинг номи негадир эсланилмайди. Буни ўша даврда йқинида расадхона фаолият олиб борганлиги билан изоҳлаш мумкин. Уларнинг бири Бағдоднинг аш-Шамосия маҳалласида ва иккинчиси Дамашқ яқинидаги Касиюн тепалигида эди. Умумий раҳбарлик Бағдоддан туриб бошқариларди. Эҳтимол, олим Дамашқдаги гуруҳда бўлиши, ал-Маъмун уни Бағдодга келиши билан у ерга юбориши ҳам мумкин.

Ниҳоят ал-Фарғонийнинг ҳаёти ҳақидаги энг сўнгги ва аниқ хабар 861-йил билан боғланади. Мавжуд маълумотларга кўра, у ўша йили Қоҳира яқинидаги Равзо оролида нилометри, яъни Нил дарёси суви сатҳини белгиловчи усқунани ясаган ёки таъмирлаган. Бироқ унинг қандай қилиб Мисрга бориб қолганлиги ҳақида тўлиқ маълумот йўқ. Яна

бир маълумотга кўра, у Мисрда насронийлар орасида яшаб, уларнинг динига ўтганлиги ва шунинг учун қатл этилганлиги қайд қилинади. Лекин бу ўша машҳур астроном ал-Фарғонийни ёки бошқасини, бу номаълум.

Олимнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда кам бўлганлигига қарамай Шарқда унинг номи машҳур эди. Ибн ан-Надим (X аср), Ибн ал-Қифтий (XII-XIII асрлар), Абул Фараж Бар Эбрей (XIII аср), Ҳожи Халифа (XV аср) кабилар уни ўз асарларида эсладилар. Оврўпа олимларидан Даламбр, Брокельман, Х. Зутер, И. Ю. Крачковский, А. П. Юшкевич, А. Розенфельдлар унинг ижодини юқори баҳолаганлар. Оврўпо Уйғониш даврининг буюк намоёндаларидан бири бўлган машҳур олим Региомантан XV асрда Австрия ва Италия университетларида астрономиядан маърузаларни ал-Фарғоний китобларидан ўқиган. Унинг номини Данте ва Шиллер ҳам асарларида эслашган.

Бугунги кунда олимнинг саккиз асари маълум бўлиб, уларнинг ҳаммаси астрономияга алоқадор. Лекин бирортаси ҳам ҳозирги замон тилларига таржима қилинмаган. Қўлёзма асарлари Берлин, Лондон, Машҳад, Париж, Техрон кутубхоналарида Рампур ва Патнада (Ҳиндистон), Қоҳирада, Готада ва Ҳалабда сақланади.

Ал-Фарғонийнинг асосий астрономик асари «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нуҷум» китоби (уни «Астрономия асослари ҳақида китоб» номи билан ҳам аташади) 1145 йилдан бошлаб лотин тилига бир неча марта таржима қилинган. Маъмур таржималарнинг барчасида олимнинг исми лотинчада «Алфраганус» шаклида ёзилиб, шу шаклда фанда абдий ўрнашиб қолди.

(«Буюк сиймолар, алломалар» китоби асосида тайёрланди).

• ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР



Олма шифобахш неъмат сифатида қатор хасталикларга даво бўлиб, Шарқ табобатининг билимдони Абу Али ибн Сино олмани таърифлаб, бундай ёзди:

«Биринчи даражада совуқ ва қуруқдир, юракни қувватли ва хурсанд қилишда катта хусусиятга эга. Олма дори бўлиши билан бирга озик ҳамдир. Шунинг учун руҳни озиклантириш ва мўтадил қилиш орқали ҳам фойда қилади ва уни ҳосияти билан қувватли қилади».

Бемаза олманинг фойдаси кам. Ширин олмалар сувли бўлади. Унинг барги ва сиқиб олинган суви бошланаётган иссиқ шиллар ва тошмаларга (учуққа) фойда қилади барги ва пўстлогининг ичидида

пардаси ярани битиради. У заиф меъда-ичакни қувватлантиради, ҳамир ичида пиширилгани иштаҳани яхшилайдди. Киши танасидаги зарарли иллатларни йўқотади. Камқонликка, витамин етишмасликка ажойиб малҳамдир.

Олма таркибидаги дармондорилар С, Д, В2, В6, РР, В15, каротин, Е биотин, фолат кислота, темир, калий, мис, кобальт, фосфор, йод каби кўпгина микроэлементлар бор. Шу боисдан юрактомир, жигар, меъда хасталикларига чалинган беморларга олма яхши малҳамдир. Буни тайёрлаш учун 4 дона олма, 1 дона тухум оқи, 1 ош қошиқ шакар олинади. Олманинг мағзи эзилтириб пиширилади. Тухумнинг оқи кўпчирилиб, тайёр неъмат оз-оздан истеъмол қилинади.

• ДАРДИНГИЗНИ ОЛАЙ

Оёқ совқотиши билан одам касал бўлади-қолади. Нега шундай бўларкан?

Оёқ панжасининг совқотиши бурун-ҳалқум шиллик пардасида нохуш реакция пайдо қилади, жумла

кийиш учун етарлича кенгроқ, ичи иссиқ пойабзал керак бўлади. Қишда капрон пайпоқ, калта капрон пайпоқ кийиш мумкин эмас. Бинода иссиқ пойабзални ечиб кўйиш лозим, акс ҳолда оёқ терлайди, исиб кетади, кўчага чиққанда эса совқотади.

Организмнинг совуққа чидамини ва паст ҳарорат таъсир қилганда иссиқлик мувозанатини сақлаш қобилиятини оширишга чиниқиш ёрдам беради. Оёқни икки -- уч минут паст ҳароратли сувда ювиш чиниқишнинг энг ўнғай ва самарали усулларида ҳисобланади. Чиниқиш учун оёқ ювила бошланган дастлабки пайтларда сувнинг ҳарорати камида 28-30 даража бўлади. Кейин бир-бир ярим ой мобайнида сув ҳарорати аста-секин пасайтириб борилади ва ниҳоят тўғридан-тўғри оддий сувда ювилади.

ОЁҚНИ ҚИШДА ИССИҚ ТУТИНГ



Ҳаққ
сўзи
13
22
Февраль

Буни қарангки, олманинг хатто пўстлоғи ҳам фойдали экан. У куйган терига кўйилса, ўрнида доғ қолмайди. Илдири қанд касаллигига даво. Замонвий табобатда аниқланишича, олма парижонхотирликка қарши дори экан. Олма пархез таом сифатида ҳам тавсия этилади. Мевасидан павидло, мармелад, квас, шарбат тайёрланади. Шу билан бирга шамоллаганда яхши наф беради мия иш фаолиятини яхшилайдди.


Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришувос.

МАСТ ҚИЛУВЧИ МЕВАЛИ ДАРАХТ

Марула деган дарахт хуғди шундай хусусиятга эга. Лекин ундан одамлар баҳраманд бўлишолмайди. Негаки, у Африка жанубидаги хилват ўрмонларнинг бирига ўсади. Унинг меваси айни ғарқ пишган пайтда яқин атрофдаги жамики жонзотлар сархуш бўлиш учун етиб келишади. Энг қизиғи шундаки, бир-бирига ашаддий душман маҳлуқлар ҳам бу жойда «иноқлашиб, дўстлашиб» қоладилар. Очиғи «кайфи ошган» ҳайвонлар дарахт атрофида йиқилиб, хушидан кетгунча ирғишлаб ўйнайдилар. Чунки улар истъеъмол қилган марула дарахтининг меваси мазали бўлса-да, организмда парчаланиб улгурмасданоқ спиртга айланар экан. Ҳатто у инсонлар фойдаланадиган спиртдан ҳам тез ва кучли таъсир қилар экан.

Энди тасаввур қилинг, фил бир оёқда туриб рақс тушмоқда, шоҳдан-шоҳга сакраб юрган маймун эса гоҳ унинг хартумига, гоҳ думига осилиб турли қилиқлар кўрсатмоқда... Умбалоқ ошиб ўйнаётган айиқполвон эса дарахтдан дарахтга урилавериб каттагина майдонни «кашф» этиб кўйди. Сичқон оёғини осмонга қилиб «велосипед» ҳайдаётди. Ўрмон қироли шер нуқул бошини ерга нуқиб, дунёни тескари томоша қилмоқчи бўлаётди. Булардан ажабланган илон эса иложи борича бошини ердан кўтариб енгил нафас олиш пайида... Яхшиямки, у ерга инсон қадами етмайди. Бўлмаса, у ўзини не ҳолатларга солган бўларди?!

Ўктам ДЎСТЕР тайёрлади.



БЎШ ЎТИРМА

БЎЙИГА: 1. Истеъмолдан чиқарилган иссиқлик миқдори бирлиги. 2. Сут эмизувчилар синфига мансуб тунги ҳайвон. 3. Ранг. 4. Алишер Навоий «Ҳамса»си қаҳрамонларидан бири. 5. Қирилиб кетган судралиб юрувчи. 6. Тригонометрик функциялардан бири. 9. Энг кўп томошабин жойлашадиган стадион. 10. Зоир давлатидаги шаҳар. 11. Кимёвий элемент. 12. Ер юзасида ҳар иккала кутб орқали ўтадиган фарзий энг қисқа чизиқ. 19. Маълум бир кун, ой, йил. 20. Океан. 26. Жанубий Америкадаги пойтахт шаҳар. 27. Рўзнома ва журналларда айнан бир мавзуга ажратилган бўлим. 28. Австралия пойтахти. 30. Узунлик улчам бирлиги. 31. Куръон. қаримда номи зикр этилган пайғамбарлардан бири. 32. Фан. 33. Кўтаринки руҳда ўтказилувчи маросим, байрам. 34. Бозор иқтисодиётида ўз мавқени мустаҳкамлаш учун кураш. 37. Шақли ҳар хил, маъноси бир хил сўзлар. 38. Спорт тури. 43. Мучал йилдаги ой номи. 44. Уй паррандаларидан бири.

ЭНИГА: 7. Ҳарбий унвон. 8. Қалбга яқин қадри киши. 13. Нуқтанинг тўғри чизиқдаги ўрнини кўрсатувчи сон. 14. Энг катта орол. 15. Япониядаги шаҳар. 16. Пермь шаҳри яқинидан ўтувчи дарё. 17. Номаълумни излаш натижаси, жавоб. 18. Ўзбек классик адабиётининг йирик вакили, тарихчи, олим. 21. Одамнинг сув остида бемалол нафас олиб сузишига имкон берувчи аппарат. 22. Асл нуҳса. 23. Ҳинд океанининг шимолдаги денгиз. 24. Россия шарқдаги дарё. 25. Қитъа. 29. Иёботсиз қабул қилинадиган ҳол, ҳақиқат. 35. Улкан бугма илон. 36. Жамбул шаҳрининг эски номи. 39. Билим масканларидан бири. 40. Уқувчи, талабаларнинг билимини синаш усули. 41. Мева. 42. Муҳаммад алайҳиссалом ишини давом эттирувчи. 45. Қуёш системасининг йиқита катта сайёралари тутилганда тугилган бола. 46. Жанубий кутб. 47. Асосан тоғ жинслари, рудалар ва метеоритларнинг таркибий қисми. 48. Банк, кредит билети.

Тузувчи: Фурқат АҲМЕДОВ.

• ҚАРОР ВА ИЖРО

«СЎҒДИЁНА» ИШОНЧНИ ОҚЛАСА АЖАБМАС

Бултур мазкур футбол клуби учун энг омадсиз йил бўлди. Сентябрь ойига келиб йигирма ўйиндан йигирма очко тўллаб мусобақа жадвалининг ўн биринчи поғонасига тушиб қолди. Кейинги ўнта турда эса бу муваффақиятсизликни янада «мустаҳкамлаб» бешинчи миллий чемпионатни ўн иккинчи ўрин билан якунлади. Бу-ку, майли-я, «Сўғдиёна» юртимизда энг интизомсиз жамоа сифатида танилганига нима дейсиз?! Жамоа футболчилари ҳақамалардан 48 та сарик ва олтита қизил карточка олганликлари, ўттиз икки бор оғохлантирилганликлари, тўрт марта майдондан чиқариб юборилганликлари жуда ачинарли ҳол эмасми?.. Вилоят футбол федерацияси ва клуб мутасаддилари бу омадсизликларни жамоа ўртасида тарбиявий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, машгулотлар мунтазам ўтказилмаслиги, ҳомийлар ажратган маблағдан мақсадсиз фойдаланилганида, деб тан олишмоқда.

Клуб ҳаётида яна бир қанча англашилмовчиликлар ҳам рўй берди. Сурункали ишга чиқмаганлиги учун клуб раиси А. Фуломов ўз вазифасидан олиниб, мураббийликка тайинланди. Лекин ҳеч қанча вақт ўтмай, янги раис

бўлиб келган П. Назаров ўз аризасига кўра ишдан бўшаб кетгач, А. Фуломов яна раисликка тикланди. Аммо, афсуски, клуб ишида олдинга силжиш бўлмай, орқага кетиш давом этаверди. Бу ҳақда «Халқ сўзи» газетасининг 1996 йил 6 декабрь сонида «Сўғдиёна»нинг сарсон судхўрлари» сарлавҳали танқидий мақола ҳам босилди.

Шундан сўнг вилоят ҳокими футбол масаласини шахсан ўз зиммасига олди. Ҳокимликда футболни ривожлантиришнинг амалий дастури ишлаб чиқилди. Декабрь ва январь ойларида футбол истиқболи билан алоқадор ва айнан «Сўғдиёна» клубининг моддий-техника базасини кучайтириш, уни маблағ билан таъминлаш чоратadbирлари тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Ушбу қарордан сўнг жамоада ташкилий-оммавий ишлар юришиб кетди. Клуб раислигига вилоятнинг биринчи лигасида ўйнаётган Зафаробод туманининг «Зафар» командаси, бош мураббийси Суюн Муртазоев тайинланди. Бош мураббийликка эса «Трактор»дан Александр Мягков таклиф қилинди.

Жиззах воҳасида футболни ривожлантиришга бугунгичалик катта эътибор берилмаганди. Йўл қўйилган хатолар

қисқа муддатда тузатилди. Солиқ кўмитаси саъй-ҳаракати билан клуб ҳисоб рақамидан хўжасизларча тарқатиб юборилган «миллионлар» ўз ўрнига қайтарилди. Моддий қўллаб-қувватловчи ҳомийлар аниқланди.

Вилоят давлат мулкани бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси клуб жамоасига янги спорт анжомлари олиб берди. «Жиззахтранс» ҳиссдорлик жамияти замонавий автобус ажратди. «Жиззахсавдо» концерни ҳомийлигида футболчиларни йил бўйи озик-овқат билан таъминлаш режаси ишлаб чиқилди. Шаҳар ҳокими четдан таклиф этилган ўйинчилар ва мураббийларга уй-жой ажратиш муаммоси билан шуғулланяпти.

Биргина марказий стадионни таъмирлаш учун ўн беш миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. «Автотехизмат» бошқармаси ҳисобидан томошабинлар учун «Совпластитал» кўшма корхонасидан беш миллион сўмга уч мингта янги ўрин-

диқ сотиб олинди. «Таъмирлаш ва таъминот» ташкилоти насос ўрнатиб, ўйин майдонини сўғориш муаммосини ечиб берган бўлса, «Жиззахсувқурилиш» трести бунёдкорлари стадионга кираверишда гумбазли арк дарвозаси қуришни бошладилар. «Сўғдиёна» ишлаб чиқариш фирмаси ҳисобидан янги табло ўрнатилиб, созланмоқда. «Арслон» хусусий фирмаси «Шаршара» қишлоғидаги клуб базасини таъминлашга сафарбар этилган. Иккинчи қурилиш трести жамоаси стадионнинг қибла томонидаги томоша минбарини юз метр узунликда эни ўн саккиз метрлик пешайвон билан ёпаяпти.

Хуллас, ҳар шанба куни стадионда штаб йиғилиши ўтказилиб, ўттиздан ортиқ буюртмачи ва пудратчи футбол мавсумига қадар барча зарур ишларни ниҳоясига етказиш чораларини кўрмоқда.

Футболчиларнинг руҳлари тетик. Зомин тоғларидаги арчазорлар бағрида ўкув-машгулотлари ўтказиб, хордиқ чиқаришмоқда.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида юртбошимиз олти туманда стадионлар қаровсиз ҳолда эканлиги, умуман спортга кам аҳамият берилаётганини куйиниб гапирган

эдилар. Бу камчиликларни бартараф этиш эса маблағ билан боғлиқлиги сир эмас. Вилоят, шаҳар ва туманларнинг молиялаштириш режасида бу масала ўз аксини топганлиги яхши бўлди. Биргина «Сўғдиёна» футбол клубининг 1997 йилдаги харажатлар миқдори етмиш миллион сўм миқдоридан белгилангани фикримизга қувватдир. Бу ғамхўрликларга жавобан клуб жамоаси ҳам боқимандалик қуршовидан чиқиб, ўз йўналишини ўзгартиряпти. Аҳолига пуллик спорт-соғломлаштириш хизмати кўрсатиш, умумий овқатланиш шохобчалари очиш, спорт кийимлари тикиладиган цех ташкил этиш бўйича дастлабки ишлар бошланди. Бу соҳалардан келадиган маблағ бюджетнинг даромад қисмига туширилади ва футболчилар манфаати учун сарфланади.

«Сўғдиёна» энди ўзини ўнглаб олиши муқаррар. Чунки у боқимандаликдан халос бўлди, маблағи, ғамхўр ҳомийлари бор. Бу сўзларни яқинда республика футбол федерацияси бош мутахассиси А. Исмоилов раҳбарлигидаги нуфузли комиссиянинг текширув хулосасидан олди. Энди ҳамма гап ўйинчиларнинг яхши ўйин кўрсатиб ўз муҳлисларини хушнуд этишда қолди.

Х. НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲИСОБ 4:2

Шу кунларда Ўзбекистон 6 миллий чемпионатида тайёргарлик кўраётган жамоалар ўзаро ўртоқлик учрашувлари ва турли даражалардаги турнирларда иштирок этишмоқда. Яқинда Фарғона ва Марғилон шаҳар стадионларида вилоят футбол федерациясининг соврини учун водий жамоалари иштирокида катта футбол мусобақаси уюштирилди. Уйинлар «А» ва «Б» гуруҳларда ўтказилди.

Финалда мезбонларнинг «Нефтчи-1» ва «Нефтчи-2» жамоалари ўзаро куч синашишди. Фарғоналикларнинг биринчи таркиби 4:2 ҳисобида ғалаба қозониб, бош мукофот соҳиби бўлишди.

• КИКБОКСИНГ ЎН ОЛТИ СОВРИНДОР

Ёшлар ўртасида кикбоксинг бўйича Бишкекда ўтказилган Қирғизистон очиқ чемпионатида мамлакатимиз спортчилари ҳам иштирок этди. Мураббий Ботир Зокиров бошчилигида республикаимизнинг «Биллур», «Абсидиат», ФОК спорт клубларидан 22 нафар спортчи қатнашиб, 16 медалини қўлга киритди.

Тимур Муҳаммаджонов, Акбар Акрамов, Зоир Бўриев, Зубай Ҳусейнов, Валерий Борисенколар ўз вазнлари бўйича биринчилик чемпиони деб тан олинди. Мусобақада Олмос Абдуллаев, Хусайн Камбаров, Сарвар Қосимов, Виталий Сибко, Саъдулла Исмагулаевлар кумуш, Шавкат Мирзабоев, Олег Бабакаев, Даниэл Мушинский, Салоҳиддин Тимотов, Шухрат Мадқосимов ҳамда Жасур Қудратовлар чемпионатнинг бронза медалларига сазовор бўлишди.

Бу мусобақа спортчиларимиз учун апрель ойида Бишкекда бўладиган Осиё чемпионатида ҳозирлик вазифасини ўтади.

• ШОҲМОТ ОМАД ЁР БЎЛДИ

Кунги кеча шохмот бўйича Ўзбекистон чемпионатининг биринчи табақаси мусобақалари ниҳоясига етди. Мусобақалар швейцарча тизимда ўтказилиб, олий лигага бериладиган йўлланмалар эгалари аниқланди. Эраклар баҳсида 88 нафар шохмотчи қатнашиб, ягона йўлланма соҳиби 11 имкониятдан 9,5 очко тўлаган сирдарёлик 27 ёшли Рамис Курбединов бўлди.

Аёллар ўртасида ўтказилган мусобақаларда эса республикаимиз вилоятларидан 35 нафар қатнашчи дон сурди. Бўлиб ўтган 9 тур натижаларига кўра, К. Корбут (Тошкент) -- 7,5 очко, С. Юсупалиева (Тошкент) -- 7 очко, Ш. Қуттибоева (Нукус) -- 6,5 очкодан жамғариб, чемпионат пешқадами бўлишди. Шу билан биргаликда улар олий лигада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Э. ХОЛБОБОВЕВ.

БАҲОСИ 77 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

ФИФА уюштирган бу йилги «жаҳоннинг энг яхши ўйинчиси» таллови натижаларини барча футбол муҳлислари катта қизиқиш билан кўтиб олди. Бразилиялик машҳур ўйинчи Роналдо ушбу таллов «тегирмони»дан омон чиқиб, «йилнинг энг яхши ўйинчиси» деб топилди. Қувончи еру кўкка сизмаган футболчининг болалиқдаги бирдан-бир юксак орзулари рўёбга чиқиб, Лотар Маттеус, Марко ван Бастен, Роберто Баджо, Ромарио ва Жорж Веа каби истаган рақибининг «тизасини қалтиратадиган» ўйинчилар сафидан мустаҳкам жой олди.


Унинг шон-шухрати ва доғруғи «Барселона»да яна «қайта»дан алоҳида кашф этилди. Негаки, унинг бу муваффақиятга эришиши учун «Барс»даги атиги тўрт ойлик фаолияти кифоя қилди, холос. 20 ёшли Роналдо мазкур талловда ўзига муносиб қаршилик кўрсатган рақиблари либериялик Жорж Веа ва англиялик Алан Ширер каби дунёнинг мана-ман деган футболчиларини «тўхтатиб» қолди. У Жорж Веадан 189, Алан Ширердан эса 206 очко фарқи билан ушбу таллов соҳиби бўлди.

Айни дамда «Эйндхови» мураббийси Роналдо забт этган муваффақиятга ҳам ҳавас, ҳам ҳасад кўзи билан қараётган бўлса, ажаб эмас. Чунки у Роналдони арзимаган пулга «Барселона»га сотиб юборган эди. Не бахтки, бугун Диди, Гарринча, Вава, Зико ва Пеле каби футболчилар ватандоши бўлган Роналдо ўз санъати билан барча муҳлисларни ром этмоқда. Тажрибали мураббий Бобби Робсонни Роналдонинг ўйинида чегара йўқ, деб баҳолаши ҳам бежиз эмас. У майдонда ўйинчиларга тўғри аниқ етказиб бериш бўйича «официантлик» вазифасини ҳам бажаради. Унинг бевосита ёрдами туфайли «Барселона» ҳайратомуз муваффақиятларга эришаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бугун тажрибали хўжумчининг футбол аламинидаги баҳоси ҳам аниқ -- 77 миллион доллар. Бу кўрсаткични қайси «совчи»нинг қўнмаги кўтаришини эса вақт кўрсатади. Энди биз хулоса ўрнида ФИФА ўтказган ушбу таллов йигирмалигидан жой алган ўйинчиларнинг рейтинг кўрсаткичлари билан таништириб ўтамиз:



1. Роналдо --	329	12. Эрик КОНТОНА --	9
2. Жорж ВЕА --	140	Роберто КАРЛОС --	9
3. Алан ШИРЕР --	123	14. Калуша БВАЛИА --	8
4. Маттиас ЗАММЕР --	109	Предраг МИЯТОВИЧ --	8
5. Юрген КЛИНСМАНН --	54	16. ЖОВАННИ --	7
6. Нванко КАНО --	32	17. Александр ДЕЛЬ ПЬЕРО --	6
7. Паоло МАЛЬДИНИ --	25	Юри ЖОРКАЕФФ --	6
8. Давор ШУКЕР --	24	Карел ПОБОРСКИ --	6
9. Габриэль БАТИСТА --	19	Деян САВИЧЕВИЧ --	6
10. Ромарио --	13		
11. Званимир БОБАН --	11		

«Халқ сўзи» мухбири,
Фурқат Чори ўгли тайёрлади.



ДУШАНБА, 24

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.30 «Хафтаном».

8.30 «Ўзбектеlevision» намойиш этади. «Ассалом, азизларим!». 8.50 «Ўзанини толар дарелар». 9.15 «Марсия». Бадий фильм. 2-серия (Италия). 10.00 Янгилар. 10.05 «Хуқуқ сабоқлари». 10.25 Лев Устинов. «Урмон қўшиғи». Й. Охунбоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 11.15 Шифокор экрани. 11.45 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадий жамолари яқхонларининг концерти. 12.20 «Компьютер сабоқлари». 12.45 «Кохановалик артист». Бадий фильм. 14.00 — 14.05 Янгилар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилар. 18.10 «Эркатой». 18.25 «Менда фикр бор». 18.45 «2000 йилдан сўнг». Телесериал. 19.05 «Мавнавият». Фольклор-этнографик ансамбллари «Зилло» телефестивали. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.15 Оқшом эртаклири. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Буюк келажак сари. 21.20 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотиға номзодлар. Композитор М. Бафоев. 22.10 «Имконият». 22.25 «Морена Клара». Телесериал. 23.10 Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати. 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.20 — 00.40 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ II

18.00 Кундалик. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Ерилтош». Мульттўплам. 18.30 «Спорт китъаси». 18.40 «Компьютер-Осиё». 18.55 «Мак ва Матли». Қизикарли дастур. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телесериал. 20.20 «Спорт китъаси». 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 21.50 «Спорт китъаси». 22.20 «Бебаҳо лаҳзалар». 22.30 Кундалик. 22.35 Оҳанглар ва Ўзлонлар. 23.00 — 00.35 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

17.55 Янгилар. 18.00 «Кўҳна ҳунар усталари». Телефильм. 18.10 Ўзлонлар.

18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

21.40 Ўзлонлар. 21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 1-серия (Канада). 22.35 «Кругозор». Тележурнал.

22.55 — 23.15 Россия давлат телевидениеси.

23.15 Ўзлонлар. 23.20 — 23.25 Янгилар.

ЎзТВ IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Кўрсатувлар анониси. 18.50 «Мульткарусель». 19.05 «Умид». 19.35 Кечки сеанс. «Уйна, уйна». Бадий фильм. 1-серия. 20.35 «Душанба». Публицистик кўрсатув. 20.45 «Авторейд». 20.55 «Спорт-тайм». 21.25 «Кимга қанақа?». 21.55 Ўзлонлар. 22.00 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал. 22.50 «Аёл». 23.20 «Худди биздек». 23.35 Ўзлонлар. 23.40 Д. Маликов. «Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат...». 24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 25

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Турон тулпорлари». Спорт дастури. 8.55 Биржа ва банк хабарлари. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгилар. 10.05 «Замин фидойилари».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11.00 Инглиз тили. 11.30 Адабиёт.

12.00 «Оналар мактаби». 12.30 Тилаш Хўжамбердиев раҳбарлигидаги созандалар ансамблининг концерти. 13.00 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадий фильм. 1-серия. 14.00 Янгилар. 14.05 — 15.20 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадий фильм. 2-серия.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилар. 18.10 «Кувноклар даврасида». 18.25 «Ислохот одимлари». 18.45 Спорт. Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати. 19.05 «Днёр». Тележурнал. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар.

19.55 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув. 20.15 Оқшом эртаклири. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 Буюк келажак сари. 21.20 «Мавнавият». «Оҳанглардан таралган меҳр». 21.40 «Альманах-ТВ». 22.10 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлинг кўзи». 23.00 «Замон». 23.10 Юртим жамоли. 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.20 — 00.40 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ II

18.00 Кундалик. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Ерилтош». Мульттўплам. 18.35 ТВ плюс... 18.40 «Киносайёра». 19.00 «Олтин кент». 19.15 «Сизнинг имконият». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телесериал. 20.20 ТВ плюс... 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Спорт китъаси». 21.30 «Акс». 21.50 «Авлодимиз». 22.05 «Ишбилармонлар ҳафтаси». 22.25 Кундалик. 22.30 Оҳанглар ва Ўзлонлар. 23.00 — 00.35 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

17.50 Янгилар. 17.55 «Самовий сажат». Мультфильм. 18.10 Ўзлонлар.

7.30 — 9.00, 18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

21.40 Ўзлонлар. 21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 2-серия. 22.35 «Муסיқа ҳамма учун».

23.00 — 23.20 Россия давлат телевидениеси.

23.20 Ўзлонлар. 23.25 — 23.30 Янгилар.

ЎзТВ IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мульткарусель». 19.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш кўрсатуви. 19.15 «Америкага назар». 19.45 Ўзлонлар. 19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 20.40 «Солиқлар ҳақида сабоқлар». 20.55 «Дорихона ашитади». 21.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 22.05 Ўзлонлар. 22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал. 23.00 «Истеъдодлар ва муҳлислар». 23.30 «ТВ Вада». «Немис тўлкини». 23.55 «Жиллет-спорт». 00.25 — 00.35 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 26

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 «Мавнавият». «Оҳанглардан таралган меҳр». 8.45 «Альманах-ТВ». 9.15 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм. 9.20 «Днёр». Тележурнал. 9.40 «Фильм суратга олинди». Кино-кўрсатув. 10.00 Янгилар. 10.05 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Янги алифбони ўрганамиз. 11.00 «Ассалом, япон тили!».

11.40 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлинг кўзи». 12.30 «Аҳвол қандай, чемпион?». 12.50 «Мария, Миabella Транзисторияда». Бадий фильм. 14.00 Янгилар. 14.05 — 15.35 Ҳамза асари. С. Юдаков муסיқаси. «Майсаранинг иши». Маннон Уйгур номидаги Тошкент Санъат институти талабаларининг диплом спектакли.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилар. 18.10 «Рекс ва такса». Мультфильм. 18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...». 18.25 «Замон билан ҳамнафас». 18.45 «Чорраҳа». Қисқа метражли телевизион фильм. 19.05 «Мавнавият». Фольклор-этнографик ансамбллари «Зилло» телефестивали. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Мавнавият». «Муסיқа ва замон». 20.15 Оқшом эртаклири. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 Буюк келажак сари. 21.20 «Дилнавоз садолар». 21.40 «15 дақиқа спорт ҳақида». 21.55 «Автоолам». 22.10 «Сир». 22.20 «Морена Клара». Телесериал. 23.05 «Мавзу». 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.20 — 00.40 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ II

18.00 Кундалик. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Ерилтош». Мульттўплам. 18.35 «Спорт китъаси». 18.45 «Дойче-Велле» тақдим этади... 19.05 «Зерикмай десангиз». 19.15 «Ором оналари». Концерт. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телесериал. 20.20 «Спорт китъаси». 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 21.50 «Хуқуқ ва мажбурият». 22.00 «Зерикмай десангиз». 22.10 Кундалик. 22.15 «Спорт китъаси». 22.40 Оҳанглар ва Ўзлонлар. 23.00 — 00.35 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

17.50 Янгилар. 17.55 «Маржакулъ кўли». Телефильм. 18.10 Ўзлонлар.

7.30 — 9.00, 18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

21.40 Ўзлонлар. 21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 3-серия. 22.35 «Шоҳсула сари йул».

23.00 — 23.20 Россия давлат телевидениеси.

23.20 — 23.30 Россия давлат телевидениеси.

ҲАФТАЛИК КўРСАТУВЛАР

23.20 Ўзлонлар. 23.25 — 23.30 Янгилар.

ЎзТВ IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мульткарусель». 19.00 «Ирендэж». 19.30 «Фан ва технология». 20.00 Ўзлонлар. 20.05 «КВН-97». 21.25 «Британия кундалиги». 21.55 Ўзлонлар. 22.00 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал. 22.50 «Уй остондан бошланади». 23.20 «Экстремал ўйинлар». 00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 27

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Мавнавият». «Муסיқа ва замон». 8.55 Иқтисодий чорраҳаларида. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгилар. 10.05 «Енгиндан сақланмиш». Ўқув кўрсатувлари: 10.30 Ботаника. 11.00 Алифбо сабоқлари. 11.30 Умумий биология.

12.00 «Қишлоқ стадионларида». 12.20 «Эртақлар яхшиликка етақлар». Ф. Файзиев. «Кулоқсиз шалпанқулоқлар». 13.10 Хиванинг 2500 йиллиги. «Буюк Ипак йўлидаги қадимий шаҳар». 13.30 Санъат усталарининг концерти. 14.00 Янгилар. 14.05 — 15.40 «Қизлар». Бадий фильм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилар. 18.10 «Омонлик тилаймиз». 18.20 «2000 йилдан сўнг». Телесериал. 18.40 «Дилнавоз садолар». 19.00 «Катта танаффус». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Ўзма-юз». 20.15 Оқшом эртаклири. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 Буюк келажак сари. 21.20 Мақом кечаси. 21.50 «Йймон». 22.10 Телетомошабинларнинг талабаларига биноан. Ю. Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 9 ва 10-қисмлар. 23.05 «Дилнавоз садолар». 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.15 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ II

9.00 «Ерилтош». Мульттўплам. 9.20 «Компьютер-Осиё». 9.35 «Бебаҳо лаҳзалар». 9.45 «Олтин кент». 10.00 «Акс». 10.20 «Авлодимиз». 10.35 «Ишбилармонлар ҳафтаси». 10.55 «Хуқуқ ва мажбурият». 11.05 «Зерикмай десангиз». 11.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 11.35 «Дунё бўйлаб». 12.25 — 14.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

18.00 Кундалик. 18.10 Бугун пайшанба дастурида. 18.15 Ўзлонлар. 18.20 «Ерилтош». Мульттўплам. 18.35 «Сув ости дунёси». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телесериал. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Спорт китъаси». 21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 21.50 Кундалик. 21.55 «Сехрлар». Кўрсатув ва ўзлонлар. 22.30 — 00.10 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ IV

17.50 Янгилар. 17.55 «Мушқча ва қанарейка». «Мамонтчанинг онаси». Мультфильм. 18.10 Ўзлонлар.

7.30 — 9.00, 18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

21.40 Ўзлонлар. 21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 4-серия. 22.35 «Қорачингилъ». Телефильм.

23.00 — 23.20 Россия давлат телевидениеси.

23.20 Ўзлонлар. 23.25 — 23.30 Янгилар.

ЎзТВ IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мульткарусель». 19.00 «Айчуррак». 19.30 Мультфильм. 19.45 «02» тўлкинида. 20.00 Ўзлонлар. 20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 20.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 21.25 «Чирок». 21.35 «Компьютер-рево». 21.50 «Интерспорт». 22.00 Ўзлонлар. 22.05 «Мусавирнинг портрети ёки 10 йилдан сўнг». Жавлон Умарбеков. 22.25 «Каталог». 23.00 «Ҳамшаҳарлар». 23.30 «Қорлар мамлакатидан келган сартарош». Телефильм (Япония). 00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 28

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 «Ўзма-юз». 8.45 Осиё ўйинлари олдидан. 9.05 Ю. Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 9 ва 10-қисмлар. 10.00 Янгилар. 10.05 «Катта танаффус».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Физика. 11.00 Немис тили.

11.30 «Сехрли сандиқ». Мультфильм. 11.40 «Қўшиғим, жон қўшиғим». 12.15 «Туркистон —

умумий ўйимиз». 12.35 «Сўнги найранг». Бадий фильм. 14.00 Янгилар. 14.05—14.35 Ўзбекистон халқ ховизлари куйлайди.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилар. 18.10 «Митти қолдулар». 18.30 «Синфдош». 18.50 Бизнес ҳафта яқунлари. 19.05 «Мавнавият». Фольклор-этнографик ансамбллари «Зилло» телефестивали. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Умидли дунё». 20.15 Оқшом эртаклири. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Ривоят». 21.10 «Қалб гавҳари». 21.30 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси». 22.00 «Дилнавоз садолар». 22.10 «Эртага — шанба». 22.25 «Морена Клара». Телесериал. 23.10 «Хуш келибсиз!». 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 «Тақдим». 00.05 Тунги тароналар. 00.20—00.40 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ II

9.00 «Ерилтош». Мульттўплам. 9.20 «Бугуннинг боласи». 9.40 «Жаноби Бинн хангомалари». 9.55 «Кадр ортида». 10.10 «Жозиба». 10.20 «Эиндаги ёҳуд муҳаббат». 10.45 «Спорт китъаси». 11.15 Видео—О».

18.00 Кундалик. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Бор эканда, йўқ экан...» 18.35 «Мулк эгаси ким?». 18.50 Телевидение ва театр. 19.10 «Ором оналари». Концерт. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Сизлардан ишорат». 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 21.50 «Ковун тушиди». 22.20 Оҳанглар ва Ўзлонлар. 23.00—00.35 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

17.55 Янгилар. 18.00 «Тўхта, тингла». Телефильм. 18.15 Ўзлонлар.

7.30—9.00, 18.20—21.40 Россия жамоат телевидениеси.

21.40 Ўзлонлар. 21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 5-серия. 22.30 Оперетта шинавандаларига.

23.00—23.15 Россия давлат телевидениеси.

23.15 Ўзлонлар. 23.20—23.25 Янгилар.

ЎзТВ IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мульткарусель». 19.00 «Умид чекалари». 19.30 «Рангинкамон». 20.00 «Бу буюстон аро...» 20.30 Ўзлонлар. 20.35 «Ноб асарлари овлар». Телесериал (Италия). 21.35 «Алло, мен сизни ашитаман...» Танлов-дам олиш кўрсатуви. 22.15 «Ўтмишсиз келажак». йўқ. 22.45 Ўзлонлар. 22.50 «Экстремал ўйинлар». 23.40 Араб астраси. 00.10—00.20 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 1

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 Эстрада қўшиқлари. 9.05 «Сахродаги ходиса». Мультфильм. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 «Шоҳрух» клуби.

«Ёшлик» студияси намойиш этади: 10.30 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат». 11.00 «Ҳамроҳ». 11.20 «Оқибат». 11.40 «Таянч». 11.55 «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» кўрик-танлови. 12.35 «Уйла! Изла! Топ!» Телемуобаха. 13.20 «Аёл борки, олам мунавар». Публицистик кўрсатув. 13.55 «Халқ иходиёти». 14.15—15.30 «Дон Кихот болалари». Бадий фильм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Соғна». 18.20 «Олам». 18.35 «Ранглар жиқоси». 18.50 «Сиз севган қўшиқ». 19.05 «Хайрат». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Оқшом эртаклири. 20.05 «Ўзбекистон янгилари» (инглиз тилида). 20.15 Рақслар гулдаси. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Бизнес-академия». 21.20 «Дилнавоз садолар». 21.30 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи». 22.00 «Азиз сиймолар». Халқ артисти Олим Ҳўжаев. 22.30 Телетомошабинларнинг талабаларига биноан. Ю. Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 11 ва 12-қисмлар.

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури: 23.30 «Куй ва тасвир». 23.45 «Гулсум она». Бадий фильм.

ЎзТВ II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...». 9.20 «Мулк эгаси ким?». 9.35 Телевидение ва театр. 9.55 «Ором оналари». Концерт. 10.10 «Сизлардан ишорат». 10.40 «Ковун тушиди». 11.10 «Кинонигоҳ». 12.45—14.00 «Спорт китъаси».

18.00 «Ерилтош». Мульттўплам. 18.20 «Кўзмучоқ». 18.40 Ўзлонлар. 18.45 «Жаноби Бинн хангомалари». 19.05 «Жозиба». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Ол